Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O`zingni angla!

Газетамизга
2008 йил учун
обуна
давом этади.
Муштарийларимиз сафида бўлинг!
Нашр
кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * **2008-yil 9-iyul, №31 (587)** * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://**www.hurriyat.uz**

НАФС БАЛОСИ

Инсоф ва қаноат деган азалий тушунчалар яхши инсонларнинг фазилатидир. Ҳаётда бундай хислатли одамлар кўп бўлса, ёмонлик ва разолатнинг барҳам топиши тайин. Афсуски, гуруч курмаксиз бўлмагани каби диёнатли кишилар билан бир қаторда нафсига эрк бераётганлар ҳам учраб туради.

➪ 2-бет

ҲУРЛИККА ИНТИЛГАН «ҲУРРИЯТ»

«Ҳуррият» газетаси юртимизда 1335 ҳижрий йилнинг 7 ражабидан, милодий 1917 йилнинг 16 апрелидан сиёсий, адабий, иқтисодий, илмий газета сифати билан Самарқандда ҳафтасига икки мартадан чиқа бошлади.

➪ 4-бет

СЕҲРЛИ ОЛАМ ТИЛСИМИ

Ўзбекистон тасвирий санъатининг олтин фондида сақланиб келаётган асарлар йиллар давомида мусаввирларнинг асарлари кўргазмаларидан сотиб олинган вақтдан бошлаб, бугунги кунга қадар музейнинг олтин фондига киритилган экан.

➪ 6-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

- **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг "Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қўшма қарори эълон қилинди.**

- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2008 йил биринчи ярим йиллигида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.**
2008 йилнинг ўтган даврида Комплекс бўйича жами 641,41 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Ўттан йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 157,18 фоизни ташкил этди.

- **Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолияти устидан жамоат назоратини такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 1 май куни имзоланган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга онд масалалар атрофлича муҳокама этилди.**

- **"Ўзвиносаноат-холдинг" компаниясига қарашли корхоналарда мамлакатимизда етиштириладиган узумнинг асосий қисми қайта ишланади. Компания таркибидаги 19 акциядорлик жамияти, 31 қайта ишлаш ва 15 қўшма корхонада ўтган йили 128,8 минг тонна узум қайта ишланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич янада ошиши ва 154,3 минг тоннага етиши кутилмоқда.**

Бу йўллар янги йўллардир

Дунёда йўлсизлик ёмон... Ҳар кимнинг, ҳар ошланинг, ҳар давлатнинг ўз ривожланиш, тараққий этиш йўли бор. Йўллар турлича: автойўл, ҳаво йўли, темир йўл, кўнгил йўли, руҳият йўли. "Йўлинг равон бўлса бахтинг очилади", деган нақл бежизга айтилмаган.

Мамлакатимизда миллий мустақиллик юз бердию ҳаётнинг барча жабҳаларида кенг кўламда ўзгаришлар, янгиланишлар ривож топди. Аввало кишилар руҳиятида тозариш, кўтаринкилик ҳиссиётлари кучайди. Ахир, ўз юртини, ўз она халқини озод ва эркин кўриш бахти насиб этса, ким ҳам қувонмайди, ким ҳам шодланмайди дейсиз. Мана, 17-йилдирки ўз тақдиримизни ўз қўлимиз, ақлу идрокимиз ва тинимсиз меҳнат фаолиятимиз билан яратмоқдамиз.

Тўлан НИЗОМ,
Ўзбекистон халқ шоири

Президентимиз дастлабки йиллардаёқ биз танлаган йўл ўзимизга хос ва ўзимизга мос ёруғ йўллар эканлигини қайта-қайта таъкидлагани ёдимизда. Дарҳақиқат, ўтган йиллар имтиҳони Ўзбекистон танлаган йўлнинг нақадар тўғри эканлигини исботлаб берди. Бу йўллар қайси йўллар, улар бизни қайга элтди ва элтмоқда?.

Энг буюк саодат — Ватан ўз эркига, ўз тилига, ҳурлигига эга бўлди. Ер ўз эгаларига — халққа берилди. Ҳақсиз меҳнаткаш эл мулкдор бўлди, бу эса чиндан ҳам Аллоҳдан бандасига инъом этилган мўъжиза каби эди.

Мамлакатда ғалла мустақиллиги эълон қилинди. Бу тарихий ҳаракатдан халқ кўзга ташланиб турган моддий қийинчиликдан фориғ бўлди. Давлат ва халқ омбори донга, дастурхони эса нонга тўлди.

Таълим соҳасида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури оқилона ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди. Эндиликда миллий кадрларимиз дунё кўз олдида вояга етмоқдаки, улар қўлида келажаги буюк бўлган Ўзбекистон давлати гуркираб яшнамоқда. 2008 йилни Ёшлар йили деб аталишининг ҳам асосий маъно-моҳияти ана шунда бўлса не ажаб?!

Энг муҳими, сўниш хавфи бўлган миллий қадриятларимиз бирдан уйғонди, Истиқлол унга янги жон ато қилди. Улуғ бобокалонларимизнинг руҳи бизга мададкор бўлди. Чунки давлатимиз раҳбари аввало оламшумул ишларни азиз авлиё-аждодларимизнинг харобазор бўлиб ётган муқаддас зиёратгоҳларини эъзозлашдан, қайта тиклаш, қуриш, обод қилишдан бошлади. Соҳибқирон Амир Темур хотирасига қилинган беқиёс ишлар, Исмоил ал-Бухорий, Нақшбандий, Аҳмад ал-Фарғоний, Мотуридий, Бурхониддин Марғилоний, Термизийлар каби улуғ зотлар қадамжолари обод қилинди. Элимизда Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Зулфияхоним каби зотларнинг номи янада улуғланди. Улар хотирасига халқ келиб ҳурмат-эҳтиром бажо келтирадиган боғу бўстонлар яратилди. Умр бўйи ана шу мустақилликни орзу қилиб, шу улуғ йўл, мақсад учун, буюк ўзбек халқининг озодлиги учун шаҳид кетганлар — қатағон қурбонлари номи абадийлаштирилди. Пирлар руҳи рози-ризосидан куч ва шижоат олиб мустақилликнинг нурли довонлари сари отландик. Келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш ишқида куйиб-ёниб яшамоқдамиз, меҳнат қилмоқдамиз, натижаси эса бисёр.

Биргина Фарғона водийси йўлларини кейинги йилларда кўрганмисиз? Қадим Қўқондан Марказий Фарғона ерларининг қоқ ўртасидан кесиб ўтадиган Андижон йўлларидан юрганмисиз? Ёки гўзал Наманган вилояти билан Андижонни боғлайдиган гуллар билан безанган катта автойўлдан ўтганмисиз? Андижон ва Фарғонани боғлайдиган Қува текис йўлларидан юриб, кўнглингиз завқ-шавққа тўлгандир. Дарё ва анҳорларга, сой ва ариқлар устига қурилган метин, чиройли кўприкларга бир назар ташланг-да, Асакадаги машина заводи ёнидан ўтиб, Асака "Чўнтак" оромгоҳидаги баланд супага чиқиб бепоён боғ-роғларга, чексиз пахта майдонлари ва буғдойзорларга нигоҳ ташланг. Янги, замонавий Асака шаҳрини кезиб чиқинг, одамлар орасига киринг, суҳбатлашинг уларнинг дил сўзларига қулоқ солинг. Мана сизга истиқлол нашидаси, мана мустақиллик самараси!

(Давоми 2-бетда.)

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.

МУЛОҲАЗА

Зиёлилик белгиси

Бир ҳужжатли фильм томоша қилаётиб, япон тадқиқотчиларининг дунёни тўрт фоиз зиёли ушлаб турибди деган хулосаси мени тонг қолдирди. Ажабо, наҳотки зиёли шунчалик анқонинг уруғи бўлса? Ўйлаб кўринг, дунёда қанчадан-қанча олий ўқув юртлари бор. Бу даргоҳларни йилига миллионлаб ёшлар битириб чиқса ажабмас. Уларни зиёли деб атаб бўлмайдими? У ҳолда чинаккам зиёли ким ўзи?..

Улуғлар яратган асарларни ўқиш асносидаёқ кунда-шунда ўзингни нақадар билиминг сустлигини инкишоф этиб боравераркансан. Бир шоир дўстимга истиҳола ичра "Бизда Навоийни тушунадиганларнинг сони қанча экан?" деганимда, у кулиб дилимни оғритадиган сўз айтиб баттар кесатди. Филология соҳасида неча-неча "кўйлак йиртиб" юрганларнинг адади бўлмаса керак. Баъзилари билан гаплашсанг, китобий мулоҳазалардан нарига ўтмайди. Тайинли мушоҳада юрита олмаганидан уялиб кетасан. Ваҳоланки, улуғ бобомизнинг танглайи Фаридиддин Аттор қаламига мансуб фалсафий "Мантиқ ут-тайр" асарини мутолаа қилиш билан қотган. Айтмоқчимизки, "олий маълумотга эгалик ҳақидаги ёрлиқ" билан бирга кенг дунёқараш, чуқур билим — зиёлиликнинг асосий белгиларидандир.

Аммо зиёли тушунчаси биргина билимдонлик билан ҳам чегараланмайди. Зиёли деганда мансабдорни ҳам тушунмаслик керак, назаримда. Ёки нега пўрим кийинган кишини кўрганда зиёлига қарагандай қараймиз. Ахир кийим — зоҳир зиёлилик белгиси бўлолмайди-ку. Ҳар ҳолда Шарқда шундай. "Зиёли" таърифини қалбида қирқ жаллодни ўлдирган, халқ қайғуси билан яшаётган шахсларга нисбат берсак янглишмасак керак.

Айримлар ўзини ватанпарвар қилиб кўрсатишдан орланмайди. Зиёли эса унинг акси: ҳеч қачон сохталикка қарам бўлмаган ва мустақил фикрини баён этишдан чўчимаган. У пиллага ўхшаб қобиғига ўралиб олмайди.

5»

ДУНЁ СИЁСАТИ



Гордон Браун исрофгарчиликка қарши

Буюк Британия аҳолиси йилига 4 миллион тонна озиқ-овқат маҳсулотларини чиқиндига чиқаради.

Бу маълумот мамлакат бош вазири Гордон Браун талабига биноан тайёрланган махсус ҳисоботда келтирилди.

«The Independent» газетасининг ёзишича, аҳоли дастурхон атрофида маҳсулотни қолдириб кетмаса, кунига 420 фунт иқтисод қилинади. Шу муносабат билан, ҳукумат ҳозирда исрофгарчилликка қарши махсус дастур ишлаб чиқмоқда. Унда турли ресторан, мактаб ва бошқа идоралар вакилларига озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик айтилади.

5»

ЭЪТИБОР

Саховатли кишилар

Маълумки, мамлакат тараққиёти бугунги ёшларнинг ҳар жиҳатдан баркамоллигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ёшлар тарбияси ва уларнинг соғлигига алоҳида эътибор берилмоқда.

Бойсундаги 12-вилоят "Меҳрибонлик" уйида 200 нафарга яқин бола тарбия олмоқда. Улар учун ҳукуматимиз томонидан барча шароитлар яратилган. Ўтган йили бу ердаги таълим масканига керакли барча замонавий жиҳозлар келтирилди. Ётоқхоналари эса тўлиқ таъмирланди. Ёпиқ ва очиқ спорт заллари, теннис корти, футбол, баскетбол майдончалари, алоҳида-алоҳида ювиниш хоналари, шунингдек, осмонўпар тоғлар бағридаги "Авлод" дам олиш маскани ҳам болажонлар ихтиёрига берилган. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, саховатли кишилар бу ерда тарбияланаётган болалар ҳолидан тез-тез хабар олиб туришибди. Масалан жорий йилда Ангор туманидаги "Саидносирхон" фермер хўжалиги "Меҳрибонлик" уйи тарбияланувчиларга 2 тонна буғдой, "Акбаршоҳ" фирмаси эса турли ўйинчоқлар ҳадя этди. Шунингдек, Бойсун туман ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотлар томонидан 3 нафар тарбияланувчи болажонларнинг суннат тўйлари ўтказиб берилди.

Бизда болажонлар учун турли шодиёна кечалари тез-тез уюштирилиб турилади, — дейди "Меҳрибонлик" уйи директори Муҳаммади Норқулов. — Бундай тўй-тантаналарнинг ўтказилиши нафақат кемтик қалб эгалари бўлган болажонларни, балки биз мураббийларнинг ҳам қалбимизни тоғдек кўтарди.

Дарвоқе туман ҳокимлиги ва туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан "Меҳрибонлик" уйида тарбияланиб вояга етган икки нафар ёшнинг никоҳ тўйлари ўтказилиши ҳақидаги хабар етти маҳаллага тарқалганди. Куни кеча яна "Кўчкак", "Тузбозор", "Чорчинор", "Пойгабоши", "Оби", "Ариқ-усти", "Мунчоқ", "Хўжабулғон" маҳаллаларида саховатпеша ҳомийларнинг савоб ишлари дув-дув гап бўладиган бўлди. Чунки фидойи кишилар ташаббуси билан яна 16 нафар ёшнинг никоҳ тўйлари ўтказилди. Шунингдек, туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши томонидан ёшларга 1 миллион 400 минг сўмлик совға-саломлар ҳам берилди.

Шерали ҚОДИРОВ,
"Ҳуррият" мухбири.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Бугуннинг нафаси

■ Навоий вилоятида ҳам талаба-ёшларни таътилда фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида "Бунёдкор" меҳнат отрядлари ташкил этилмоқда. Жумладан, Навоий давлат кончилик институтининг 25 талабаси «Темур Малик» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари қаторига қўшилди, уч юздан зиёд талаба эса Навоий конметаллургия комбинати тизимидаги корхоналарда ишлайдиган бўлди.

■ Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарувчи "Абдулазиз" хусусий фирмасида замонавий ноёб қурилиш ашёси – пеноблок тайёрлаш йўлга қўйилди. Қирқ ишчи-муҳандис меҳнат қилаётган корхонада маҳсулот тури ва ҳажмини кўпайтириш борасидаги ишлар давом этмоқда.

■ "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси Миллий санъат марказида "Муқаддас замин" деб номланган кўргазма очди. Ушбу кўргазмада ёш кулол Алишер Раҳимов ижодига мансуб бадиий буюмлар намойиш этилмоқда.

■ Сурхондарё вилоятида тадбиркорларнинг божхона соҳасига оид ҳуқуқий билимини оширишга бағишлаб семинар ўтказилди. Вилоятда 27 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Улар замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар барпо этиб, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётир. Ўтган йили воҳага 10,16 миллион АҚШ долларига тенг ишлаб чиқариш технологиялари ва жиҳозлар импорт қилинган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 6,48 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

■ Бу йил Қорақалпоғистон Республикасидаги 78 касб-ҳунар коллежини 21,9 мингдан зиёд йигит-қиз тамомлади. Қисқа вақт ичида уларнинг 17 минг нафарини ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришга эришилди. Қолган битирувчиларнинг ярми олий ўқув юртларида таҳсилни давом эттирмоқчи бўлса, ишлаш ниятидаги ёшлар учун янги иш жойлари яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш долзарб аҳамиятга эга. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда ушбу масала атрофлича муҳокама қилинди.

■ Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида таниқли мусаввир, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Азиза Маматованинг шахсий кўргазмаси очилди. "Вақт ва инсон" деб номланган ушбу кўргазманинг очилишида санъатшунослар, мусаввирлар, жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

■ Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги «Маржонабону» масъулияти чекланган жамиятида тикув цехи иш бошлади ва касб-ҳунар коллежларини битирган элликдан зиёд ёш иш билан таъминланди.

Ҳожиакбар ТЎҒОНОВ
тайёрлади.

Бу йўллар янги йўллардир

(Бошланиши 1-бетда.)

Келинг, сиз билан чин юракдан гаплашиб олайлик рамзий бўлсада, ўхшатиш жоизки, бизнинг қаршимизда 17-довон турибди! Бу довон яратиш, кашф этиш, ижод қилиш садоқат ва жасорат йўлидир. Юртбошимиз айтганидек "Халқимиз азал-азалдан йўл қурган, эл-юртнинг узоғини яқин, мушкулини осон қилган одамларга иззат-икром кўрсатиб келади. Ота-боболаримизнинг "Йўл қурганнинг йўли очиқ" деган чуқур маъноли сўзлари ҳам бу фикрнинг ёрқин тасдиғидир". Икки оғиз гап, Қамчиқ довони узра қурилиб, эндиликда халққа хизмат қилаётган тарихий магистрал автойўл ҳақида. Маълумки, Фарғона водийсида неча миллион одам яшайди. Асрлар давомида водий халқлари йўл азобини тортиб келди. XVII асрда яшаган шоир Махмур ўша йўл азоби манзаралари – мана шу тоғлар оралаб ўтган қинғир-қийшиқ сўқмоқлар, оёқни кесиб юборадиган, ҳатто отлар туёғини синдирадиган ўткир чағир тошлар, ундан ўтганларнинг фожеали аҳволи ҳақида ўз асарларида қисман ёзиб қолдирган эди. Не-не хонлар, беклар, султонлар, подшолар, қаттол шўро хукумати йўлбошчилари ҳам халқнинг бу ачинарли дардига малҳам бўла олмадилар. Мазлум водий кишилари орзу-армонлари фақатгина мустақиллик шарофати туфайли Президентимиз ташаббуси билан амалга ошди, пойтахт водий билан, ундан нари то Хитой йўналиши орқали денгиз йўлларига уланди. Унга бағишланиб 2003 йилда битилган "Довон" достонимда асосий қаҳрамон тилидан ёзган сатрларим ёдимда:

" – Ўзбекистон, – деди, –
хаританг бутун,
Менинг юрагимга солинган сурат.
Ким эдик, ким бўлдик охир биз бугун,
Сен ўзинг нажотим, сен ўзинг ғайрат!"

"Бу лойиҳани амалга ошириш Ўзбекистоннинг жаҳон океанига, халқаро савдо марказларига чиқиш йўлини очади. Ташқи иқтисодий фаолият йўналишларини танлашда ҳаракат эркинлигини оширади" – деб ёзган эди Юртбошимиз ўша пайтда. Бугунги кунда бу мустаҳкам автойўл Андижон, Ўш орқали Хитойнинг Шинжон вилоятига, ундан эса Қашқар орқали Тинч океанига Яқин Шарқ ва Жанубий Европа мамлакатларига, Ҳинд океани ва Араб мамлакатларига, ғарбдан Туркманистон, Кавказ, Эрон ва Туркия орқали Ўртаер денгизига чиқиш имкониятини бермоқда.

Ўтган йили қиш ойларида камина дўстим, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан бирга Қашқа ва Сурхон воҳаси бўйлаб қурилаётган муаззам темир йўл қурувчилари ҳузурида бўлган эдик. «Аср қурилиши» деб аталган — Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл қурилишида амалга оширилаётган қаҳрамонона ишларни кўриб ҳайратга тушгандик. Ўз-ўзимиздан мустақил юртимиз иқтисодий қудратининг қанчалик улуғвор эканлигини билмоқчи бўлганлар бунга келиб кўрсин ва тан берсин дер эдик. Темир йўл қурувчиларининг ақлу идроки, тинимсиз меҳнати бизни тўлқинлантириб, жўшқин илҳомлар бахш этди. Мамлакатимиз келажагини белгилайдиган кучли омиллардан бири – ҳаётимиз қон томири ҳисобланган – бу темир йўл ўта зарур эди, албатта. Ўзбекистон бўйича яхлит темир йўл транспорт коммуникация тизимини вужудга келтириш учун ҳам жуда даркордир. Мазкур йўналиш юк ва йўловчи ташиш масофасини сезиларли қисқартирди.

Айниқса, Қашқа ва Сурхон воҳалари – конлар, ер ости қазилмаларига бой эканлиги барчага равшан. Бас, шундоқ экан, қуриб ишга туширилган ушбу темир йўл дунёвий аҳамиятга эгадир. 33 ойда 223

километрли жаҳон андозаларига мос келадиган темир йўл ижодкорларига минг офарин!

Муҳтарам Президентимизнинг "Юксак маънавият енгилмас куч" китобини ўқиб чиқдим-да замонамизнинг улуғ алломаларидан бири Озод Шарафиддиновнинг ўз уйида менга айтган сўзларини эсладим. "Ўзбекистон катта, донғли йўлга чиқиб олди. У буюк бир кемага ўхшайди, бошқариб бораётган инсон ўта иродали, донишманд шахс. Миллатга мана шундай йўлбошчи керак эди. Мен Юртбошимиздан минг қатла миннатдорман. Менинг соғлигим учун қилаётган ғамхўрликларидан Худони ўртага қўйиб қарздорман".

Устоз хузурига ҳар сафар борганимда Мустақиллик ва унинг қадрига етиш, уни мустахкамлашга чақирар эди. Халқимизнинг ажойиб истеъдодли фарзанди Чўлпон мустақиллик йўлида жувонмарг бўлгани, Юртбошимизнинг оташин шоирни Мустақиллик ордени билан тақдирлаганлари чин ҳақ иш эканлигини сўзлар эди. Ўша куни "Ижодни англаш бахти" китобини менга ушбу дастхат билан ҳадя этганди: "Қаламингиз янада ўткир, ижодий парвозингиз юксак бўлсин!" имзо. 8.05.04. Яна қўшиб қўйди: "Адабиёт яшаса – миллат яшар". Бу Абдулҳамид Чўлпон сўзи эди. Дарҳақиқат, Президентимиз миллий адабиётимиз равнақи учун барча имкониятларни яратиб бермоқда экан, фақат ижод қилиш керак, фақат ёзиш керак, деганди – Озод Шарафиддинов.

Юртбошимиз ўзининг юқорида тилга олинган китобида шундай самимий, ўтли сатрларни ёзади: "Ҳаётининг аксарият қисми шифокорлар назоратида, оғир, тинкани қуритадиган муолажалар остида ўтадиган одамнинг шундай улкан жасорат кўрсатиб яшагани, эҳтимол, кимгадир афсона бўлиб туюлиши мумкин. Лекин бу кишининг соғлиги ва кайфиятидан доимо хабардор бўлиб, бу йўлда қўлидан келган ёрдамни аямаган барча инсонлар бунинг афсона эмас, ҳақиқат эканини, бизнинг орамизда бутун борлиғини маънавият ва маърифатга бағишлаган ана шундай мард ва жасур бир шахс яшаб ўтганини яхши билади."

Ҳамон ёдимда, Элликқаъла туманига ижодий сафарга борганимизда тасодифан истеъдодли шоир укам Муҳаммад Юсуф вафот этиб қолди. Бу айрилиқ ҳаммамизнинг юракларимизни ларзага келтирди. Эртаси куни матбуотда Юртбошимизнинг шоир онаси Энахон ая номига чуқур ҳамдардлик мактуби эълон қилинди. Бу ижод аҳлига бўлган меҳру шафқатнинг ёрқин намунаси эди-да.

Мамлакатимизда бунёд бўлаётган барча йўллар; авто йўлми ёки у темир йўл бўладими, "ҳаво йўллари" бўладими, катта-кичик шаҳар, қишлоқ йўллари бўладими ҳаммаси кўнгил йўллари билан туташиб, халқ қалбига кириб бормоқда. Келажак сари ундамоқда. Бу йўллар мустақиллик йўллари, янги йўллардир! Бу сўзларни ёзар эканман, тилимга ушбу шеър келди:

Ўн етти йилдирки, эркинман, ҳурман,
Бошимда бахт қушим,
мен ҳам мағрурман!

Минг бир ҳужайрамда барқ урар Ватан,
Ҳар бир томиримда гуркирар Ватан!

Қоним жўшқинлиги – Ватан туйғуси,
Илҳом тошқинлиги – Ватан қайғуси!

Юксалиб – бораман қўлда байроғим,
Озод Ўзбекистон безавол боғим!!

Тупроғин ўпаман лаб босиб ҳар кун,
Қуёшдай чароғон тақдирим учун!

Юртбошим паҳлавон, енгилмас асло,
Чунки, юрагида халқ бор доимо!

■ ҚИЛМИШ

Нафс балоси

Инсоф ва қаноат деган азалий тушунчалар яхши инсонларнинг фазилатидир. Ҳаётда бундай хислатли одамлар кўп бўлса, ёмонлик ва разолатнинг барҳам топиши тайин. Афсуски, гуруч курмаксиз бўлмагани каби диёнатли кишилар билан бир қаторда нафсига эрк бераётганлар ҳам учраб туради. Уларнинг касофати туфайли салбий ҳодисалар болалаб кетади, оқибатда, кимлардир азият чекади. Буни биз ҳикоя қилмоқчи бўлган, Сурхондарё вилоятининг Ангор ва Қизириқ туманларида содир этилган айрим жиноий иш тафсилотидан ҳам илғаш мумкин.

Эмин Раҳмонов билан Набижон Раҳимовнинг обрўси чакки эмасди. Уларнинг бири Халқ банкининг Ангор филиалига қарашли 3-сонли шоҳобчада назоратчи-ҳисобчи, иккинчиси эса кассир бўлиб ишларди. Биринчиси қирққа, иккинчиси эса эндигина йигирма тўрт ёшга кирган.

Бинойидек ишлаб юрган бу банкирлар негадир нафснинг қули бўлишди.

Э.Раҳмонов мансабдор шахс бўла туриб, моддий жавобгар шахс Н.Раҳимов билан тил бириктирган. Улар ўзларига ишониб топширилган, банкнинг фуқароларга тарқатилиши лозим бўлган 5.419.440 сўмлик мулкини ўзлаштиришган. Ўзлаштирганда ҳам мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан, мансаб сохтакорлиги, яъни ғаразгўйлик ва моддий манфаатни кўзлаб анча маблағни гумдон қилишади. Пул тўлов варақаларидаги фуқароларнинг имзоларини қалбакилаштиришдан ҳам ҳайиқишмайдилар. Натижада, нафсига эрк берган шу шахслар Халқ банки ҳамда фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказганлар.

Аслида бу қинғирлик қандай юз беради?

Дастлаб улар жиноий тил бириктириб, Халқ банки Ангор туман бўлимининг 3-шохобчасидан "Чинобод" маҳалласидаги айрим фуқароларга бериладиган маблағдан 1.602.730 сўмини ўзлаштириб, жиноий фаолиятни бошлаб юборишади. Ушбу пуллар тарқатилганлиги тўғрисида банкка сохта маълумотлар тақдим этишдан ҳам тап тортишмайди.

Буни қарангки, кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам пулларини индамасдан ўзлаштириб юборавериштган. Агар улар қўл урган жиноий ишларни санайверсак газетанинг бутун бошли саҳифасига сиғмаслиги мумкин.

Аммо улар кўрсатган яна бир антиқа "ҳунар"ни тилга олмасликнинг иложи йўқ. Аёнки, банкка омонат қўйишнинг ҳам ўз қонун-қоидалари бор. Жамғармалар бўйича ҳисоб варақлар учун бошланғич кирим бадаллари, маблағларни қўювчи кишининг шахсига оид ҳужжатлар, омонатчининг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхалари, банк бошқарувчиси билан омонат тури бўйича белгиланган тартибга риоя қилинган ҳолда шартнома тузиш, белгиланган сўмдан кам бўлмаган ҳолда нақд пул мавжудлиги кабилар шулар жумласидандир. Аммо юқоридаги икки "довюрак" белгиланган қонунларни ҳам назар-писанд қилишмаган. Ҳатто кўпгина шахсларнинг номига, гарчи уларнинг ўзлари хабардор бўлишмаса-да, гўёки омонат пуллари қўйишган ва шу йўл билан банкнинг нақд пул режаси бажарилишига ўзларича ҳисса қўшмоқчи бўлишади. Бунинг устига касса кирим ва чиқим ордерларини сохта расмийлаштирадилар.

Суд мажлисида банкнинг Ангор филиали бошқарувчиси Мансур Тожиев ҳамда бош ҳисобчи Шароф Албисевлар иккала ҳамкасбининг айбини тасдиқлашган. Аммо шундай асосли савол туғилади: нега улар анча вақт мобайнида ўз ходимларининг жиноий ишлар билан шуғулланишларига йўл қўйиб бердилар? Нима учун фақат томошабинлик вазифасини бажардилар?

...Ангор туман давлат солиқ инспекциясининг Алишер Навоий номидаги қишлоқ фуқаролар йиғини бўйича участка нозири Холназар Чоршанбиев ҳам нафсини тия олмаганлардан экан. Унинг олий маълумотга эга, қонунларни яхши биладиган мутахассис бўла туриб давлат мулкини ўзлаштириб юборишдан тап тортмаганига нима дейсиз?

Тавба, баъзилар чўнтагидаги ўз маблағини ҳам харж қилмоқчи бўлса, аввал ўйлаб кўради. Холназарбой бўлса фуқаролардан ер солиғи, мулк солиғи ва бошқа солиқлар учун йиғиштириб олган пулларни кўзини чирт юмиб, "Э бор-е, бу ёғи бир гап бўлар" дегандек харж қилиб юбораверди.

Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деганларидек, бу сир узоққа чўзилмади. Кўп ўтмай ошкор бўлди-қўйди. Вилоят давлат солиқ бошқармасидан келган тафтишчи дарҳол камомад тўғрисида далолатнома тузди. Натижада, солиқчининг бир миллион уч юзу етмиш минг сўм камомади борлиги ошкор бўлиб қолди.

Тўғри, нафс домига тушган солиқчи жазосини олди.

...Фуқаро Бозор Ғаффоров олти йил давомида мактабда ҳисобчи бўлиб ишлади. У фаолият кўрсатган Қизириқ туманидаги 36-умумий ўрта таълим маскани йирик билим даргоҳларидан бири ҳисобланади.

У ҳам ҳужжатларни қалбакилаштирди ва уларни сохта ҳолатда кишиларга тақдим этишдан уялмади. Ўзига ишониб топширилган ва ўзининг ихтиёрида бўлган бюджет маблағларини йигирма миллион беш юз ўн уч минг икки юз йигирма уч сўм пулни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиб юборди.

Мана бир мисол. Ўтган йил Октябрь ойи учун банкдан 6 миллион сўмдан ошиқ нақд пул олган. Шу маблағ хазинага кирим қилинган. Лекин хазина ҳисоботига 4 миллион сўмдан зиёдроқ кўрсатган. Шундай қилиб, бу устаси фаранг бир миллион саккиз юз минг сўмни бемалол ўзлаштириб юбораверган.

Яна бошқа бир мисол келтирайлик. Февраль ойи учун хазина ҳисоботида 26-сонли сохта тўлов варақаси тузилган. Унга кўра мактабнинг 11 нафар ўқитувчисидан қолдирилган дарслар учун деб катта миқдорда иш ҳақи чегирилган. Б.Бобомуродов, Ш.Турдиева, О.Жабборов, Ж.Исломова, Х.Холлиева, М.Пайгамова, А.Қосимов, Р.Нуралиев, Н.Отажонова, Н.Кўшоқов ва бошқалар номига ёзилган пуллар қаёққа ғойиб бўлганлигини биласизми? Имзолари қалбакилаштирилиши оқибатида бир миллион уч юз минг сўмдан ошиқ маблағ ўзлаштирилган.

Инсофини йўқотган бу кимса ҳатто касаллик варақалари учун ёзилган нафақа пулларини ҳам ўзлаштиришдан тап тортмайди. Мактабда ҳисоб-китоб ишлари умуман издан чиққан эди. Молиялаштириш, хазина ва ҳақиқий харажатлар дафтари, бош ҳисоб-китоб дафтари ҳатто умуман юритилмаганлигига нима дейсиз?

Нима бўлганда ҳам инсоф чегарасидан чиқиб кетган ҳисобчи айбига мос жазосини ҳам олди. Лекин англанган ҳақиқат шуки, нафс домига тушганларнинг икки дунёси ҳам хароб бўлиши тайин.

Нурилла БОБОЖОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Ангор туман суди раиси.
Жовли ХУШБОҚ,
журналист.

■ ТААССУФ

"Ҳайронмиз, лолмиз..."

Ўтган йили Ургут туманидаги "Деҳқонобод" ширкат хўжалиги ҳам мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларга мувофиқ тўлиқ фермер хўжаликларига айлантирилди. Ер ўз эгаларига – фермерларга берилгани яхши бўлди. Ҳосилдорлик ошиб, манфаатдорлик ҳисси кучайиб бормоқда.

Аммо... биз фермерларни ҳайрону лол қолдираётган айрим масалалар ҳам борки, ушбу тўғрисида ўйлаб-ўйлаб матбуотга ёзишга аҳд қилдик. Чунки бунгача кўп жойларга мурожаат қилдик, фойдаси бўлмаяпти.

Гап шундаки, собиқ хўжалигимизни абгор ҳолга келтирган, жуда кўплаб камчиликларга йўл қўйган, тўғрироғи, хўжалик мол-мулкини талон-торож қилган ва суд бўлиб, жазога тортилган собиқ "Деҳқонобод" ширкат хўжалигининг собиқ бош ҳисобчиси Маҳмадоли Дониёров янги ташкил этилган "Ургут–Деҳқонобод Ҳамкор Сервис" муқобил МТП корхонасига шунча айб билан ҳам раҳбар этиб тайинланди. Энг қизиғи, юқорида айтганимиздек, М.Дониёров бундан олдин ўз мансабидан фойдаланиб, ҳамтовоқлари билан "Санчиқул" қишлоғида жойлашган 48 млн. сўмлик қийматга эга сув чиқариш насосини 6 млн. сўмга сотиб юборганлиги учун суд ҳукмига тортилиб, суд қарорида унинг 2 йил муддатга моддий жавобгар шахс бўлиб ишламаслиги қайд этилганди.

Бироқ туман ҳокими Ҳиммат Оқбўтаев негадир бунга кўз юмиб, М.Дониёровни МТПга раҳбар этиб тайинлади. Бундан бир қоп семирган М.Дониёров ўз қинғир ишларини баттар авж олдирди. У даставвал хўжаликнинг ёқилғи мойлаш омборидаги 60, 25, 10, 5 тонналик цистерналарни ва унинг атрофидаги темир панжараларни сотиб юборди. 2007 йил хўжалик тугатилаётганлиги муносабати билан хатлов ўтказилганда, соз техникалар ўрнига яроқсиз техникалар рўйхатга олиниб, халқ мулки талон-торож қилинган. Бундан ташқари, ўша йили уруғлик ғалла ва минерал ўғитларнинг бир қисми сотиб юборилиши натижасида хўжалик давлатга ғалла сотиш режасини бажара олмади.

Шундан кейин М.Дониёров раҳнамолигида "Нисбат", "Санчиқул" қишлоқларидаги сарой, оталар чойхонаси, сартарошхона, бир қанча маданий, маиший дам олиш бинолари, автотрактор парки, унинг айланма девори ва саунаси бирма-бир бузиб сотиб юборилди. Бу ҳам етмагандай хўжаликнинг ерлари лойиҳалаштирилиши жараёнида қарийб 50 гектар ер майдони лойиҳадан яширилиб, раҳбарнинг акаси, синглиси ва бошқа яқинлари ўртасида тақсимлаб олинган. Юқорида келтирилган фактларнинг барчасини қўлимиздаги ҳужжатлар тасдиқлаб турибди. Бироқ буни на туман ҳокимияти, на прокуратура органи ходимлари эшитишни исташаяпти.

Ғулом АБДУЛЛАЕВ,
"Абдуллаев Ғулом"
фермер хўжалиги раҳбари.
Ҳамидулло ЭШОНҚУЛОВ,
"Ҳазраткулов Бобур"
фермер хўжалиги раҳбари.

ЖАРАЁН

“Ўрганмай ўргатиб бўлмайди!”

— дейди радиожурналист Абдукарим Мирзаев

Ахборот асри дея таърифланаётган бугунги даврда нафақат матбуот нашрлари ёки телеканаллар, балки радиоканаллар тизимида ҳам кучли рақобат муҳити шаклланиб улгурди. Айни пайтда ҳаво тўлқинлари орқали журналистик маҳорат сезилиб турадиган салмоқли эшиттиришлар билан бирга, тингловчи маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи саёз лойиҳалар, енгил рухдаги куй-қўшиқлар ҳам узлуксиз равишда ҳавола этилиб турибди. Бундай ҳолат эса тингловчи учун кенг кўламдаги танлов имкониятини беради. Енгил-елпи эшиттиришлар меъдасига теккан киши ўз-ўзидан эшитишга арзигулик теран фикр илгари сурилган лойиҳаларни танлашига шубҳа йўқ. Шунинг учун бўлса керак, ўзбекча лутф ва шарқона қўшиқлар жилоси билан тингловчиларнинг қалбига кириб бораётган “Замин FM” радиоканалининг мухлислари бисёр. Суҳбатдошимиз бир неча йил шу каналда ўзининг фалсафий-таҳлилий мушоҳадаларга бой “Учинчи одам”, “Дилкаш”, “Қаҳрабо”, “Дастхат”, “Кўзларингни юм, кўзга айлансин кўнгил” каби лойиҳалари билан кўпларнинг юрагидан жой олган эди. Яқиндан бошлаб эса “Uzbek media” продюссерлик марказида фаолият юритаётган радиожурналист Абдукарим Мирзаев билан суҳбатимиз тафаккур ва ижод пиллапоялари ҳақида бўлди.

— Қалб хоҳиши билан тайёрланган радиолойиҳалар муваффақиятли чиқиши табиий. Адашмасам, кўпчилик тингловчилар сизни ҳам ўз “мен”ингизнинг ифодаси бўлган эшиттиришларингиз орқали яхши танишади. Фаолиятингиздаги янгиликлар ҳақида билмоқчи эдик.

— Айтганингиз рост. Ҳамма ҳар хил танилади. Кимдир руҳиятидан келиб чиқиб, яна кимдир уни унутиб. Айтиш мумкинки, ғуборга қориб... қоралаштириб!.. Шунинг учун ҳам биз таниганларимизга турлича таъриф берамиз. Кимнидир оқ деймиз, кимнидир қора. Бу икки таъриф эгалари тушунарли бўлган одамлар. Бири яхши, иккинчиси ёмон. Тушунарсиз бўлганлари хавфли. Тушунарсизлар кимлар? Рангсизлар. Уларнинг аниқ ранглари йўқ. Улар вазиятга қараб рангланадилар. Шунинг учун ҳам бундай тоифа вакиллари хавфли саналади, менинг назаримда. Айниқса, улар қалам аҳли, сўз аҳли бўлишса.

Қандай ёмон сўз аҳли ёлғон сўзлаб, қалам аҳли ёлғон ёзиб нон еса! Луқмаси ҳаром бўлган кимдир иккинчи кимнидир қайсидир ҳақиқатдан бохабар қилишига ақлим етмайди.

Фараз қилинг, бир маърифатсиз маърифат ҳақида сафсата сотса!..

Бир ноҳақ ҳақга ўргатса!..

Умрида кимгадир шогирд тушмаган “устозман” деса?!

Дурустроқ китоб ўқимаган китоб ёзса?!

Кўп мисоллар келтириш мумкин. Бироқ мисоллардан наф йўқ. Ишлаш керак, ҳаракат зарур. Сиз билан мен не-не азоблар билан чиққан чўққида миниг йиллардан бери чумоли яшайди, капалак учади. Янгилик яратиш осонмас, бунинг учун тафаккур керак. Тафаккуримиз яхши чархланган бўлмаса, такрорлашдан уёғига ўтолмаймиз. Шундай экан гапимиз тугадими, гапирмайлик! Гапирсак, ёлғон бўлади. Бизники бўлмайди. Минг афсуски, биз учун сукутдан оғири йўқ. Ичимиз қайнаб ўзимиз тушуниб етмаган нарсалар ҳақида аюҳаннос соламиз ва адашамиз. Нафақат адашамиз, адаштирамиз ҳам.

Фаолиятимизда янгиланишлар бор. Асосийси, ҳозирги «жимлигимиз» самарасиз кетмаяпти. Кўп ўрганаяпмиз, шукрки, кўпроқ ўқияпмиз. Ойбек Алиев бошчилигида «Uzbek media» продюссерлик маркази фаолият бошлади. Биз ҳаммамиз ҳаракатдамиз. Турсуной Алимова, Зулхумор Мўминова, Бобур Норбоев, Ҳайруллоҳ Йўлдошев, Жалол Раҳимов, хуллас собиқ ҳамкасблар яна биргамиз. Ва ишонч билан айтишим мумкинки, эндиги ҳаракатларимиз сиз учун ҳам, бошқалар учун ҳам кутилмаган бўлади.

— Фикримча, бугун радиожурналистдан теран фикр эгаси бўлиш билан бирга ташаббускорлик ва маҳорат ҳам талаб қилинади. Равон нутқ ва чиройли оҳанг эса бошловчининг асосий қуроли бўлса керак. Сизнинг наздингизда эса замонавий радиожурналист қандай фазилатлар эгаси бўлмоғи лозим? Яна, соҳада фаолият юритаётган ижодкорларимиз орасида жаҳон журналистикаси талабларига жавоб бера оладиганлари етарли, деб ўйлайсизми?

— Замонавий бўладими, нозамонавий бўладими... ким бўлишидан қатъи назар журналист изланишда бўлиши керак, шарт. Биз замонавийликни кўпинча нотўғри талқин қиламиз. Замонавийликни тушунмаганимиз учун ҳам бошқаларга тақлид қиламиз. Менинг назаримда, бугун бизга шарқона таъб етишмайди. Мени бир нарса жуда ҳайрон қолдиради. Бутун ўзбек китобхонлари, деярли ҳаммамиз бразилиялик ёзувчи Поуло Коэлонинг «Алкимёгар» асарини ўқиб чиқдик ва жуда қаттиқ ҳайратландик. Нима учун? Шарқни билмаганимиз учун. Китобдаги бутун маънони мавлоно Жалолиддин Румий икки оғиз сўз билан тушунтириб кетмаганмиди?! Бир эсланг! «Ичиндаги ичиндадур». Бундан неча асрлар бурун Шарқ адиблари ёзиб кетган адабиётга бугунги жаҳон адабиёти ҳали етолганича йўқ. Энди жавоб беринг-чи, биз замонавийликни қаердан қидираяпмиз?!

Дўстим, ўзни билмасдан туриб ўзгани билишнинг ҳеч иложи йўқ.

Кечани билмасдан қандай замонавий бўлиш мумкин?

Замонавийлик ҳақидаги бугунги тушунчаларнинг аксарияти сафсата, ёлғон, бўлмаган гап!..

Кейинги саволингизга келадиган бўлсак, жаҳон журналистикаси талабларига жавоб берадиган журналистлар бордир. Лекин мен уларни кам танийман. Ва айтишим керакки, бу борада ҳам фикрим бироз бошқачароқ. Бугун жаҳон журналистикаси журналистларимиз олдига қўядиган талаблардан миллатимиз қўяётган талаблар кўп маротаба устун туради. Олдин бу талабларни бажариш керак.

— Баъзи йигит бошловчиларнинг “Талаффузимга шира қўшаман, силлиқлайман”, деб қиз бола оҳангига тушиб қолаётгани аксар тингловчиларнинг ғашига тегаётганга ўхшайди. Сизнинг бу ҳолатга муносабатингиз қандай?

— Бугун радиобошловчиларнинг олдига қўйилаётган талаблар нималардан иборат, деган савол берсангиз хурсанд бўлардим. Бу талаб деярли ҳеч нарсадан иборат эмас. Бошловчи ўз хоҳишига кўра овозига озгина сайқал берса, сиз айтганингиздек “сузилса”, кифоя. Энг ачинарлиси, шундайларга талаб бор. Талабгорлар кимлар? Ёшлар. Юқорида айтганимиз шарқона зиё нурлари етиб бормаётган ёшлар. Радиога бошловчилик ёки радиожурналистлик орзусида кириб келаётган ҳаваскорларнинг маърифати, тафаккури, ақлий даражаси, билими ҳақида ким бош қотиради? Бу билан ким қизиқади? Ахир, улар халқнинг олдига, минбарга чиқишяпти-ку! Биз хоҳлаймизми-йўқми, уларнинг халққа, тингловчига таъсири бўлади.

— Сир эмас, ОАВнинг бир турида фаолият юритаётган ҳамкасбларимиз соҳанинг бошқа туридаги жараёнлардан бехабар эканликлари кўп бора танқид қилиняпти. Билмоқчи бўлганимиз, сиз радиожурналист сифатида телевидение ёки матбуотни қай даражада кузатиб борасиз? Умуман, бадиий адабиёт мутолаасига бўлган муносабатингиз қандай?

— Ижодкор мутолаадан тўхтади дегани, бу — моғорлади дегани. Энди мутолаа учун матн ёзаётган матбуот журналистининг ўзи мутолаасиз бўлса-чи. Унинг ёзганларини ким ўқийди? Сиз ўқийсизми? Йўқ! Изланишдаги одамнинг ёзгани эса сарлавҳадан билинади.

Майлими, бу саволингизга қисқароқ жавоб берсам? Радиожурналист ҳам, тележурналист ҳам, матбуот журналисти ҳам, ҳаммамиз ўргатишга ўтиб олганмиз. Эй дўстим, қачон ўрганамиз. Ўрганмасдан туриб ўргатиш мумкинми?! Мутлақо мумкинмас. Ҳатто ладуний илм ҳам изоҳ талаб қилади. Ўрганмас эканмиз унда бизни на ўқишади, на тинглашади ва на томоша қилишади!

Ситора ТОЖИДДИНОВА суҳбатлашди.

КУЗАТУВ

Колбасага кафолат борми?

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир ишбилармон истеъмолчининг кўнглини овлаш, тўғрироғи, сифатли ва арзон маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилиши шубҳасиз. Боз устига, ҳозирги пайтда бозор муносабатларининг арзонроқ нархда, кўпроқ ишончли маҳсулот сотиб, катта даромад олиш анъанаси устувордир. Бироқ бугунги кунда бозорларда тегишли текширувдан ўтган 1кг. мол гўшти ўртача 7000-7500 сўм атрофида сотилаяпти-ю, 1кг. колбасанинг бозор нархи 6000-7000 сўм. Ёки 1кг. мол гўштининг 1 кг. колбасага айлангунича арзимаган харажат ва ишчи кучи талаб қилинадими?

Маълумки, мамлакатимизда тадбиркорликка доир қабул қилинган қонунларда истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бирламчи вазифа қилиб белгиланган. Шу билан бирга ҳар бир маҳсулотга давлат томонидан тегишли стандарт ишлаб чиқилган. Мазкур меъёрларга жавоб беролмайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолга яроқсиз, аниқроғи, инсон саломатлигига жиддий хавф туғдиради.

Хўш, бугун бозор расталарини тўлдириб турган, кўринишидан кишининг ҳавасини келтирадиган, “ҳалол” дея реклама қилинаётган колбаса ва сосиска маҳсулотлари давлат стандартларига қай даражада жавоб бера олади? Шу ўринда айрим колбаса маҳсулотларининг давлат томонидан белгиланган меъёри ва таркиби хусусида қисқача маълумот келтириб ўтсак. Масалан, сотувга “Московский”, “Сервилат”, “Любительский” савдо номлари остида чиқаётган колбаса маҳсулотларининг таркибида гўшт миқдори қуйидагича белгиланган: “Московский” (қайнатилган) 75% олий навли мол гўшти, 25% чўчқа шпиги (ёғи), “Сервилат” (қайнатиб дудланган) 25% олий навли мол гўшти, 25% ёғсиз чўчқа гўшти, 50% ёғли чўчқа гўшти, “Любительский” (дудланган) 35% олий навли мол гўшти, 25% чўчқа шпиги, 40% ёғсиз чўчқа гўшти. Яна ун, туз, оқ ва қора мурч, саримсоқ ҳамда бир қатор хушбўй таъм берувчи зираворлар ишлатилади. Демак, “Любительский” номи остида ишлаб чиқилаётган 1кг. колбаса маҳсулотининг таркиби, маълумотда келтирилганидек, 350 грамм олий навли мол гўшти, 250 грамм чўчқа шпиги, 400 грамм чўчқа гўштидан иборат бўлиши лозим. Энди маҳсулот таркибидаги масаллиқни пулга чақсак. Юқорида келтирилганидек, айни пайтда текширувдан ўтган 1 кг. мол гўшти 7500, чўчқа гўшти эса бугунги ўрта нархда 8500 сўмдан ошмоқда. Демак, колбасадаги гўшт ва бошқа ишлатиладиган маҳсулотларнинг умумий қиймати ўртача 8469 сўмни ташкил қилади. Ишчи кучи ва қўшимча препаратларга кетадиган харажатлар қўшилганда, унинг нархи бундан-да юқори миқдорни кўрсатади. Бу ёғи қизиқ бўлди-ку! Маҳсулотни нега арзон сотишмоқда? Аҳамиятли томони шундаки, маҳсулотни таннархидан арзон сотиб, катта фойда олаётган тадбиркорларнинг ишини Республика “Ўзгўштсутсаноат” Давлат уюшмаси, Гўштсаноати бошқармаси бошлиғи Зоир Нуртаев қуйидагича изоҳлайди: “Агар ҳақиқатан ҳам колбаса маҳсулотлари арзон сотилаётган бўлса, демак шу нарсанинг ўзидан маълумки, маҳсулот стандарт талабига жавоб бермайди. Тўғрироғи, унинг таркибига сифати паст (ун, гуруч сечкаси, ловия ва бошқа) маҳсулотлар ҳамда бошқа қўшимчалар ишлатилган бўлади. Бундай ҳолатларнинг юзага келишига асосий сабаб бугун бозорларга колбаса маҳсулотлари етказиб бераётган айрим хусусий тадбиркорлардир.

> *Афсуски, хусусий тадбиркорларнинг иши кўнгилдагидек назорат қилинмаяпти. Яъни, уларнинг баъзилари кирим-чиқим ва бухгалтерия ҳисоботларини рисоладагидек юритишмайди. Шунинг учун улар орасида маҳсулотга нисбатан масъулиятсизликлар юзага келмоқда.*

Бунинг олдини олиш учун эса бозор иштирокчиларига тенг ва соғлом рақобат шароитлари яратиш лозим. Яъни, барча тадбиркорлик субъектларини ишчилар сонидан келиб чиқиб микрофирма ёки кичик корхоналарга айлантириш керак. Шундагина уларнинг колбаса маҳсулотларини тайёрлашда хомашёни қаердан олганлиги, қайси ташкилотлар билан ҳамкорлик қилганлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлиш мумкин”.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқараётган тадбиркорларни назорат қилувчи бир қатор соҳа ходимларининг берган маълумотларига кўра, колбаса маҳсулотларини “бозор кўтарадиган” қилишнинг оддий усули тегишли меъёрларда белгиланган олий навли гўштдан эмас, балки сифати паст хомашёдан тайёрлашдир. Олинган маълумотларга қараганда, айни пайтда бозорларда ўтмай қолган (яъни эскирган) гўшт қайта ишланиб, колбаса маҳсулотига аралаштирилмоқда. Тўғрироғи, баъзи тадбиркорлар бу каби чиқитларни колбаса ёки сосиска маҳсулотларига айлантиришаяпти.

Республика синов ва сертификатлаштириш марказининг йил бошидан шу пайтга қадар ўтказган рейдлари чоғида мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорлардан жами 780 килограмм тайёрланган колбаса маҳсулотлари O'zDST 519-2001 меъёрий ҳужжати талабига жавоб бермаганлиги учун сотувга чиқарилиши тақиқланган. Аммо... Шу билан ҳамма иш гулистонми? Очиғини айтганда бу рақам муаммонинг бир шингили, яъни денгиздан бир томчи сув десак ҳам бўлаверади.

Яна бир гап. Колбаса таркибига чўчқа гўштининг қўшилиши кўпчиликда менталитет нуқтаи назаридан ҳаром ёки истеъмолга яроқсиз экан деган тушунча уйғотади. Таъкидлаш керак, юртимизда қабул қилинган тегишли меъёрий ҳужжатларда чўчқа гўшти ўрнига олий навли мол ёки қўй гўштини ишлатиш тавсия қилинган. Албатта, ҳар бир тадбиркор маҳсулотини реклама қилаётганда унинг чўчқа гўшти қўшилмаганлигинигина эмас, сифат стандартига жавоб бера олишини биринчи навбатда инобатга олиши керак эмасми?

Бунинг учун ана шу маҳсулотни ишлаб чиқараётганлар ўз касбининг устаси ва соҳага доир назарий билимга эга бўлиши шарт. Кузатувларимизда шу нарса маълум бўлдики, колбаса маҳсулоти ишлаб чиқараётган кўпчилик ишбилармонлар мутахассисликка оид маълумотга эга эмас. Шунчаки, бир-бирларидан ўрганиб (шогирдликка тушиб), сўнгра фаолият олиб боришмоқда.

Таъкидламоқ жоиз, мазкур соҳа билан шуғулланишаётган кишилар даромад олиш билан бирга энг аввало истеъмолчилар манфаатини ўйлаб кўришса маъқул бўларди. Зеро, сифатсиз озиқ-овқат инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Анвар СУЮНОВ

ОФАТ

ТЕРМИТ ўзи кўчмайди... кўчиради

Яқинда бир танишим, тўсатдан, янги ҳовлига кўчаяпман, деб қолди. Рости ҳайратга тушдим. Ваҳоланки, унинг эски уйи ҳам бор-йўғи уч-тўрт йилча олдин қурилганди. Боисини сўраганимда “Э, нимасини сўрайсан, ваҳмак деганлари уйдаги ҳамма ёғочни еб битиришига оз қолди. Устимизга устун синиб тушмасдан бошқа жойга кўчишга қарор қилдим”, деди афсусланиб.

Илмий номи “термит” бўлган қишлоқ одамларини ваҳимага солувчи бу ҳашарот халқ орасида “сариқ чумоли”, “оқ чумоли”, “ваҳмак”, “овсизув” номлари билан маълум. Термитлар Марказий Осиё республикаларида, айниқса, кўп учрайди. Жумладан, Ўзбекистоннинг Хоразм, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида анча кенг тарқалган. Қишлоқ шароитида уй солиш учун ёғоч маҳсулотлари қанчалик зарурлигини инобатга оладиган бўлсак, ваҳмак кишилар учун шунчалик “бош оғриғи”га айланаётганлигини тушуниш мумкин. Одамларнинг унга биноларни харобага айлантирувчи, маҳв этиб бўлмас душман сифатида қараши ҳам бежиз эмас.

— Халқ орасида ваҳмак ё сени кўчиради, ё ўзи кўчади, деган гап юради, — дейди Қашқадарё вилояти Қарши тумани Ширкент қишлоғи фуқароси Эркин Жўраев. — Бироқ шу гап ҳам аслида ҳақиқатга унча тўғри келмайди. Чунки ваҳмак бор жойдан одамлар қочиб қутулишлари мумкин, аммо унинг ўзи ҳеч қачон кўчиб кетганини эшитмаганман. Мана, масалан, бизнинг ширкентликлар шу зараркунанданинг дастидан ҳатто ҳовлиларимизга қарагимиз келмай қолган. Баъзи уйларнинг томи ўпирилиб тушаяпти. Тўғри, бу “сариқ чумолисимон ҳашарот” керосин ёки бензинда осонгина ўлади. Лекин бензин қурғур қиммат, бунинг устига ушбу усул билан ҳам ваҳмакнинг ҳаммасини қириб битиришнинг иложи йўқ. У яна осонгина кўпайиб кетаверади.

— Ваҳмак жуда хавфли зараркунанда, — дейди Ширкент қишлоғининг яна бир фуқароси, уй солганидан бери ваҳмакдан зарар кўриб келаётган Жамшид Собиров. — У кўпинча одамларнинг кўзига кўринмайди, чунки ер остида, анча чуқурда ин қуради. Шунинг учун ҳам аҳолига томорқа учун ажратилган ерлар аввало яхшилаб текшириб чиқилса ва ҳашарот борлиги аниқланган тақдирда, чуқур ҳайдалиб, икки-уч марта суғорилса, бу яхши самара бериши мумкин. Қолаверса, қушлар, чумолилар ҳам ваҳмакнинг йўқ қилишда инсоннинг табиий ёрдамчилари ҳисобланади. Лекин, минг афсуски, бу ҳашаротни барибир юз фоиз йўқотиб бўлмаяпти. Ёрдам сўраб кимга мурожаат қилишни билмаймиз. Ваҳмакка қарши курашувчи бирорта ташкилот йўқ экан. Ўтган йили бир-икки киши ёрдам берилади деб, ваҳмак тушган уйларни рўйхатга олиб кетганди, аммо ҳалигача ўша ваъда қилинган ёрдамдан дарак йўқ.

Ваҳмак — миттигина сариқ қурт маҳалла ва қишлоқларга шу қадар катта зарар келтирар экан, уни батамом йўқ қилишга аҳоли нандалар ҳатто омбордаги дон ва полиз маҳсулотларига ҳам зиён етказмоқда. Энг ачинарлиси, ҳатто Хоразмдаги Ичан қалъа табиат музейида жойлашган 57 та маданий тарихий ёдгорликларнинг 31 тасида термитларнинг зарари аниқланган. Шунингдек, термитлардан Термиз шаҳридаги аэропорт ҳудуди ва бинолари ҳам зиён кўрган. Қашқадарёда эса 3,5 минг хонадон ваҳмакнинг зараридан азият чекмоқда. Фақатгина Китоб шаҳрида термитларнинг зарари ҳозирча кузатилмади. Бундай кўнгилсиз жараёнларнинг олдини олиш мақсадида вилоятлар ва туманларда жами 42 та гуруҳ фаолият тузилиши режалаштирилган эди. Аммо...

Ваҳмакдан асосан пойдеворсиз қурилган, кўпроқ

Интернет тармоғидан олинган маълумотларга қараганда, термитлар Ҳиндистонлик Дворика Прасаднинг банк сейфида сақланаётган 450.000 рупий (11 минг доллар) миқдоридаги пули ва қимматбаҳо қоғозларини ҳам еб, яроқсиз аҳволга келтириб қўйган.

ожизлик қилаётган экан, наҳотки бу зараркунандага қарши курашувчи бирор-бир мутасадди ташкилот бўлмаса? Бу савол билан ЎзРФА Зоология илмий текшириш институти лабораторияси мудири, биология фанлари доктори, профессор Аловиддин Ҳамроевга мурожаат қилдик.

— Кейинги йиллар ичида республикамизда термитларга қарши курашда эътибор бироз сусайгани туфайли уларнинг тарқалиши ва зарари тез суръатларда кузатила бошлади, — дейди А.Ҳамроев. — 1992 йили термитлар мамлакатимизнинг 3200 аҳоли хонадонларига тарқалган бўлса, 2008 йилга келиб бу рақам 18000 дан ошиб кетди. Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри ва унинг атрофида яшайдиган 2,5 мингдан ортиқ хонадон термитлардан зарарланган, Тўрткўл туманида эса ана шу офат келтирувчи зараркунандалар ёғоч ва сомон ишлатилган иморатлар катта зарар кўради. Чунки бундай биноларда зараркунандаларнинг яшаб, кўпайиши учун қулай шарт-шароит мавжуд бўлади. Бунинг олдини олиш учун уй қураётган вақтда бино пойдеворларини бетондан ёки пишиқ ғиштдан қуриш лозим. Иншоот устига қўйиладиган ёғочнинг девор қисмида қоладиган ҳар икки тарафига солярка ёнилғиси шимдирилиши керак ва деворнинг барча қисмини қум аралаш цементли қоришма билан сувоқ қилиш мақсадга мувофиқ. Шунда ер остидаги термитлар пойдевор орқали найчасимон йўл ясай олмай, нобуд бўлади. Баъзилар ушбу усулдан фойдаланадилару, пол остига ҳам пишиқ ғиштдан тиргак қўйиш кераклигини унутадилар. Бу ҳам ваҳмакнинг умргузаронлик қилиши учун қулай замин ҳозирлайди.

Имкони бўлса, уйларни ваҳмак тушишдан суғурталаш, баъзи бир ҳудудларда эса ваҳмакни йўқ қилиш бўйича ҳатто мажмуавий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

Олимнинг таъкидлашича, унга қарши курашишда кимёвий кураш усулларидан фойдаланиш ҳам мумкин. Жумладан, дурсбан препарати ҳамда заҳарли ем-хўракдан фойдаланиш муддао. Бу маҳсулотлар кимёвий ва патоген микроорганизмлар асосида тайёрланади. Заҳарли ем-хўрак бинонинг зарарланиш ҳолатига қараб, пол остига, девор орасига, шифт тўсинларга ва бошқа жойларга қўйилади. “Бромметил” гази ҳам анча фойдали ҳисобланади. Лекин, афсуски, у жуда қиммат ва ўта заҳарли бўлганлиги туфайли ҳозир ишлатилмайди. Ваҳмакдан қутулишнинг яна бир ишончли йўли — барқарор қурилиш материалларини яратишдир.

Сир эмас, одамлар шахсий уй-жой қуриш учун кўп йиллар давомида емай-ичмай пул йиғишади. Кейин минг машаққатлар билан бинони кўтаришади ва хонадонларини кўнгилдагидек кўринишга келтириш учун миллионлаб пул сарфлашади. Аммо ваҳмак деб аталувчи бу балои бад уйни, миллионларни, унга қўшиб хонадон соҳибининг не-не орзу-удидларини ҳам бир неча йил ичида ер тагатиши мумкин. Демак, ваҳмак аҳолининг турмуш фаровонлиги, қолаверса, минтақа иқтисодиётига зилзила, сел ва бошқа табиий офатлар сингари зиён келтиради. Шундай экан, термитларга нафақат уйига ваҳмак тушган кишилар, балки тегишли мутасаддилар ҳам обдон бош қотиришлари керак. Ваҳмак балосига дуч келган одамларни бу муаммо билан яккама-якка қолдирмаслик лозим. Уларга ваҳмакка қарши курашишда кимёвий ҳамда биологик усулларни қўллашда кўмаклашиш талаб этилади. Имкони бўлса, уйларни ваҳмак тушишдан суғурталаш, баъзи бир ҳудудларда эса ваҳмакни йўқ қилиш бўйича ҳатто мажмуавий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур. Ваҳмак алоҳида бир уйга эмас, балки бутун ҳудуд иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатаётган зараркунанда сифатида таърифланиши ва шунга муносиб тарзда чоралар кўрилиши талаб этилаётир. Чунончи, кейинги ўн йил ичида ваҳмакдан азият чекаётган хонадонлар сони қарийб олти баробарга кўпайгани ҳам бугунги ҳафсаласизлик эртага янада ачинарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан далолат бериб турибди.

Иномжон АБДИЕВ, “Ҳуррият” мухбири.

МОЗИЙ ВА БУГУН

МИЛЛИЙ МАТБУОТИМИЗ ТАРИХИДАН

Ҳурликка интилган «Ҳуррият»

МУАЛЛИФДАН:

Ўзбек тилида илк газета чиққанидан буён, мана, бир асрдан кўпроқ вақт ўтди. Шу давр мобайнида Ўзбекистон журналистикаси тарихидан мукаммал дарслик яратилмади. Тўғри, 1927 йили Зиё Саид "Ўзбек матбуоти тарихига материаллар" китобини нашр эттирди. 1976-1978 йиллари профессор Т. Эрназаров ва доцент А. Акбаровлар рус тилида уч китобдан иборат журналистикамиз тарихига оид ўқув қўлланмаси яратишганди. Ҳаммага тушунарли сабабларга кўра бу китоб ва қўлланма коммунистик мафкура тазйиқи остида юзага келгани учун, уларда XX аср бошларида барпо этилган миллий матбуотимизга паст баҳо берилган, большевиклар матбуоти юксакларга кўтарилганди. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан кейин профессорлар Б. Қосимов, Н. Абдуазизова, доцентлар Т. Пидаев, С. Аҳмедов, Ҳ. Саидов ва бошқа олимлар ўзбек журналистикаси тарихи бўйича қимматли ишларни амалга оширишди. Шундай бўлса-да, соҳа ходимлари, талабалар тўлақонли "Ўзбекистон журналистикаси тарихи"га кучли эҳтиёж сезиб келмоқдалар. Мана шу эҳтиёжни ҳисобга олиб, мазкур сатрлар муаллифи бу вазифани бажаришдек масъулиятли юмушни ўз зиммасига олишга жазм этди. Пировардида уч қисмдан иборат журналистикамиз тарихи ёзилиши мўлжалланмоқда. Биринчи қисм 1870 йил — ўзбек тилида илк газета пайдо бўлгандан болшевиклар ҳокимият тепасига келган пайт — 1917 йил ноябригача бўлган даврни, иккинчи қисми эса 1917 йил ноябридан то Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгунга қадар бўлган йилларни, учинчи қисм эса мустақиллик даврини ўз ичига олиши режалаштирилмоқда. Шукрки, биринчи қисм ниҳоясига етиб қолди. Шу боис мазкур дарсликнинг бир қисмини, яъни 1917-1918 йиллари Самарқандда нашр этилган "Ҳуррият" газетасига бағишланган қисмини Мустақиллик шарофати билан дунё юзини кўрган бугунги "Ҳуррият"хонлар эътиборига ҳавола этишдан бахтиёрман.

Бундан кўзланган биринчи мақсад — амалга оширилаётган ишни мутахассислар, газетхонлар назаридан ўтказиш. Иккинчи ният - мазкур дарслик янги, илмий доираларда жаҳон талаблари асосида деб аташ қабул қилинган усулда яратилаётганини билдиришдир. Илгари шундай илмий ишларда одатда маълумотнома хусусияти устуворлик қиларди. Янги усул эса, асосий эътибор матнларга қаратилишини тақозо этади. Бу хусусият дарсликнинг биринчи қисмида кўпроқ намоён бўлган. Сабаби, аввало, мазкур матнларни талабаларнинг кутубхоналаримиздан топишлари мушкул, иккинчидан, топганлари билан, ҳаммалари ҳам ўқий олиш имкониятига эга эмас. Чунки улар араб ёзувидадир. Бунинг устига, махсус малакаси бўлмаган киши бу матнларни ўқишда қийналади. Шароит тақозосига кўра ўша йиллар матбуоти тилида форс-араб истилоҳ ва сўзлари кўп ишлатилганидан ташқари, татарча, усмонли туркча, озарбайжонча сўзлар ҳам талайгина қўлланилган. Ушбу сўз ва атамаларни тушунмаган ўқувчи уларнинг маъносини англаёлмайди, натижада хато ўқийди ва хато тушунади. Мана шу хусусиятлар ҳам эътиборга олинмаслиги мумкин эмасди.

Ҳурматли газетхонлар ушбу қисм юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришса, муаллиф мамнуният билан қабул қилади.

«Ҳуррият» газетаси юртимизда 1335 ҳижрий йилнинг 7 ражабидан, милодий 1917 йилнинг 16 апрелидан сиёсий, адабий, иқтисодий, илмий газета сифати билан Самарқандда ҳафтасига икки мартадан чиқа бошлади. Унинг 1-сонида шундай қайд мавжуд: «Ҳуррият» газетасига ушбу муҳаррирлар муованат (ёрдам.- Б.Д.) қилурлар: 1) мударрис Саид Аҳмад Васлий, 2) Маҳмудхўжа Беҳбудий, 3) бухоролик мулла Абдурауф Фитрат, 4) Саид Аҳмадхўжа Сиддиқий». Дарҳақиқат, мазкур зотлар публицистик, адабий-бадиий асарлари билан «Ҳуррият»нинг мунтазам суратда чиқишига доимо ёрдамда бўлишди. Ўз даврининг таниқли публицистлари бўлган Саид Ризо Ализода, Ҳожи Муинлар ҳам унда фаол иштирок қилдилар. Булардан ташқари, Садриддин Айний, Фози Юнус, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Чўлпон, Мардонқул Шоҳмажидзода кабилар ҳам ёзиб туришган. Булар «Ҳуррият»нинг сиёсий-ижтимоий қиёфасини белгилашган. Атоқли сиймо Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Саид Ризо Ализодаларнинг 12 тадан, Ҳожи Муиннинг 24 та асари «Ҳуррият» саҳифаларида эълон қилинган. Абдурауф Фитратнинг эса, турли жанрдаги 41 та асари чоп қилинган. Бунинг устига, у газетанинг 27-сонидан охирги 87- гача, жами 52 та сонига муҳаррир бўлган. Айтиш мумкинки, Фитратнинг публицистик ва муҳаррирлик фаолиятини ёркин акс эттирувчи нашр ҳам «Ҳуррият»дир. Газетанинг биринчи муҳаррири Акобир Шоҳмансур ўғли бўлиб, ноширн «Зарафшон» кутубхонаси ширкати эди. (Изоҳ: газетанинг 2- ва 3-сонларидаги саналарда хато кетган. 2-сони кўрсатилганидек 3 майда эмас, 20 апрелда, 3-сони 7 майда эмас, 24 апрелда чиққан).

Акобир Шоҳмансур ўғли газетанинг 8-сонигача муҳаррирлик қилган. Дафъатан, газета ўқувчиларига у «бир пора (қисм. - Б.Д.)» сабабларга кўра, 9- сондан бошлаб муҳаррирликдан кетганини билдиради. Ноширлик вазифасигина «Зарафшон» ширкати томонидан ўз масъулиятида қолганини ҳам қайд қилиб ўтган. Газетанинг 9-сонидан 26-сонигача Мардонқул Шоҳмуҳаммадзода муҳаррир бўлган. «Ҳуррият»нинг бундан кейинги раҳбарлиги, асосан, Фитрат зиммасига тушган. У зарурат юзасидан бирон ёққа кетганида Ҳожи Муин муваққат муҳаррир бўлиб турган. Жами 9 сонга унинг муваққат муҳаррир сифатида таҳририятга бошчилик қилгани маълум. (27- ва 34-сонларида газета муҳаррирининг исми шарифи ёзилмаган).

Ўша пайт одатига кўра, газетанинг 1-сонида унинг маслак ва мақсади муҳаррир ёхуд таҳрир ҳайъати томонидан баён қилинган. Лекин «Ҳуррият»да бу учрамайди. Унинг биринчи сонида «М. Ш.» имзоси билан «Таъмини истиқбол» сарлавҳали мақола босилган бўлиб, унда миллатимизнинг келажагини таъминлаш юзасидан истиқболда турган муҳим вазифалар ҳақида фикр юритилган. Жумладан, муаллиф мактаб ва маорифни ислоҳ этишни жадаллаштириш, жаҳолатдан қутулиш, маданиятни ривожлантириш ва юксак ахлоқий сифатларга эришиш каби долзарб масалаларни тарихнинг ўзи ўртага ташлаганини баён қилган. Шу аснода у ёзади: «Анг аввал тавотури афкор (фикрнинг тадрижий ўсиши.- Б.Д.) учун хизмати лисон ҳукмина ғечан (тил, сўз воситаси билан бўлган. - Б.Д.) матбуот ила истифода этмақ ичун бир матбаа вужуда кетирмалийиз ва у амала интинодан асоси қўюлмиш «Зарафшон» кутубхонасиға аҳамият веруб анинг ширкати воситаси ила шаҳар ичинда бир матбаа бўлдурмақ зарур вазифамиздур. Ва мавсуф (тавсиф этилган.- Б.Д.) ширкат воситаси ила мустақим (тўғри. - Б.Д.) маслакли бир ахбори явмия (кундалик хабарлар. - Б.Д.) нашр этмалидур. Бу нияти ожизона ила бадоъ (бошланган. - Б.Д.) «Ҳуррият» ғазетаси биринчи нумерасини тавзеҳ эдиюр (ошкор, аён қилар. - Б.Д.)».

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, мазкур мақола муаллифи сўз орасида қандайдир бир ихтилоф, ўзаро курашиш тўғрисида эслатиб ўтади. «Букун ҳусни тасодиф ила, — деб ёзади у, — бир ҳаракати ҳуррияя молик

ўлдиқ эса-да, яна дурлу монеъларе ва кучликлара маъриз қолмақимиз бир амри бадеҳийдур (ўз-ўзидан аёндир. - Б.Д.). Орамизда қисқа фикрли ва маълумотлари маҳдуд қолмиш, мустақил бир маслак ва марома сабот ва давомсиз зотлар-да ўксик ўлмаз (кам эмас.- Б.Д.). Бўйла монеълар ийлада (билан. - Б.Д.) жиддан муборизая гиришмак (кураш ҳаракатига киришмак. - Б.Д.) табиийдур». Мана шу ўзаро муборизa (курашиш. - Б.Д.) Самарқандда ўша пайтда бир мунча кучайган бўлиши эҳтимол. Негаки, Беҳбудий ҳазратлари «Ҳуррият»нинг 19 май сонида «Муҳтарам самарқандийларға холисона арз», 16 июн сонида эса, «Иттифоқ керак» сарлавҳали мурожаат кўринишидаги мақолаларини беҳуда ёзмаган. Фитратнинг ҳам «Ҳуррият»даги илк мақоласи «Иттифоқ этайлук» дея бежиз аталмаган (25 июл сони).

Маҳмудхўжа Беҳбудий «Иттифоқ керак» сарлавҳали мақоласида Самарқанддаги вазият ҳақида ёзади: «... олдимизда баладия (шаҳар думаси назарда тутилган. - Б.Д.) сайлови, мажлиси муассисон (учрадетелний собрания) сайлови турубдур. Аммо бутун Туркистон жаридаларидан бизнинг бир-биримиз ила ихтилофимиз собитдур. Самарқандда шу балоға гирифтор ёшлар ила қарилар, яъни катта ила кичиклар бир-бирлари ила мухолиф, яна ёшларнинг ўзи дохилан (ичдан. - Б.Д.) бир-бириға мухолиф ва ҳатто бир-бирининг устидан ариза бермоқ ва донус (чақув, чуғаллав. - Б.Д.) қилмоқ ила машғулдур. Манинг ўзумни ҳам исмсиз мактубда ўлум ила қўрқутадурлар. Аммо ман йигирма саналардан бери ямон сўзларни халойиқдан кўб эшитдим ва мундай адабсиз мактублардан кўб кўрдум. Ниятимнинг холислиги учун мундай сўз ва мактублар манга таъсир қилмайдур». Кимнинг менга эътирози, фикри бўлса, келсин, гаплашайлик, дея Маҳмудхўжа Беҳбудий учрашиш манзилларини кўрсатиб ўтади. Шундан сўнг алоҳида таъкидлайди: «Такрор айтаманким, мани қўрқутарман деб беҳуда заҳмат чекилмасун, ўшал исмсиз мактубни таклифиға мувофиқ жавобимизни, мана, газетада ёздук ва энди мактуб эгасининг бизға юборатургон ўлумиға мунтазирмиз. Ҳар ҳолда, ўлим бирдур, икки эмас».

Мазкур мақоладан икки нарсани англаш мумкин. Бири, Маҳмудхўжа Беҳбудийни қўрқитиш, унга тазйиқ кўрсатиш орқали ижтимоий-сиёсий, публицистик фаолиятдан тўхтатиб қўймоқчи бўлган кимсалар мавжудлигини, иккинчиси, Самарқанддаги ўша пайтда ҳукм сурган муайян ижтимоий-сиёсий вазият қай даражадалигини. Биринчи масала юзасидан Беҳбудий ҳазратларининг ёзганлари кишини ҳайратга солади. У кўз ўнгимизда ҳақли суратда дадил, қўрқмас, энг муҳими, маслагидан қайтмас инсон бўлиб гавдаланади.

«Син. Айн.» (Саидризо Ализода. - Б.Д.)нинг «Во шариато!!» сарлавҳали мақоласида буни ойдинлаштирувчи сатрлар мавжуд (20 апрель сони). Унинг ёзишича, шариат асосига қурилган давлатларда қандайдир бир ҳовуч манфаатпараст ва риёсатталаб, яъни амалпараст шахслар ўз манфаатларига мос келмаган бирон иш, қонун жорий бўлганда «Во шариато!!» деб майдонга отилиб ўз атрофига халойиқни йиғади.

Абдурауф Фитратнинг «Иттифоқ этайлук» сарлавҳали мақоласи эса, бирмунча умумлашма характерга, фалсафий хусусиятга эга. Унда ихтилоф, ўзаро низо ҳукм сурган эл-улуслар бошқаларга қарам бўлиб, эзилиб келганига тарих гувоҳ, «Иттиҳодсизлик ва ойрилиқ балосиға учрағон миллатлар бадбахтлиқ ва мазлумликдан қутула олмамишлар, ҳатто ўз қўлларидаги саодат ва тинжликни ҳам сақлаёлмамишлар», деган мулоҳаза илгари сурилади. Бу фикрларда Туркистоннинг мустабидлик занжирига боғланиб қолишида ўлкада ҳукм сурган ихтилофлар, ўзаро низо ва урушлар, умуман иттиҳодсизлик (бирлашмаслик) сабаб бўлди, деган аламли хулоса ҳам мавжуд. «Биз туркистонлилардаги бу иттиҳодсизликдан кўпрак фойда кўрган, каттароқ осиғланғон (фойдаланган.- Б.Д.) эски Русия ҳукумати эди», дея таъкидлайди у. Шу ўринда ўқувчининг ҳамиятини, ҳиссини қўзғатадиган гапларни ёзади: «Эй Туркистон мусулмонлари! Эски ҳукуматнинг жафоларини унутдингизми? Эски ҳукуматнинг йўлсиз тааддилари (зулмлари. - Б.Д.) эсингиздан чиқдими? Эски ҳукуматнинг пристуфларидан, пулисларидан, гурудувийларидан сўкиш эшитмаган, юмруқ (мушт. - Б.Д.) емаган неча киши топарсиз? Эски ҳукуматнинг маҳкама эшикларинда кўз ёшлари тўкуб қайтмағонларингиз кимлардир? Эски ҳукумат одамлари тарафиндан қўзғолган тунокундаги балваларни (исёнларни. - Б.Д.), қирғиз қирғинларини (1917 йилнинг августида Еттисув қозоқларининг ўз ерларини рус мужиклари ва казаклардан қайтариб олиш учун қилган ҳаракати туфайли ўлдирилиши. - Б.Д.), Диззах ёнғинларини (1916 йили мардикорликка олишга қарши кўтарилган Жиззах аҳолисининг қўзғолони учун чор маъмурлари тарафидан берилган жазо назарда тутилади. - Б.Д.) Аллоҳ учун кўз олдингизга кетурсангиз бўлмасми?!» Публицист мана шундай эҳтиросли гаплардан сўнг миллат фарзандларини бирлашишга, иттиҳодга чақиради.

Бу мақоласи эълон қилинганидан уч ойлар ўтиб, Фитрат яна шу мавзуга қайтади. Энди унинг мақоласида «Нақадар таҳқирлар ва такфирларга учрасак, қанча сўгишлар эшитиб, таёқлансак, яна «иттифоқ этайлук» деб бағирмоқдан улуғроқ бир вазифани танимаймиз. «Иттифоқ этайлук» деган муқаддас калимадан бошқа бир сўзга тилимиз бормайдир», деган иборалар учрайди. Булар Маҳмудхўжа Беҳбудий мақоласидаги ибораларга ўхшашдир. Англаш мумкинки, Фитрат ҳам Самарқандда Беҳбудий ва унинг маслакдошлари бошига тушган кулфатларга дучор бўла бошлаган. Шундай бўлсада, жоҳилларга аччиқ қилиб она Ватанни, миллатни озод қилишдек буюк мақсаддан чекинишни у ноинсонийлик деб билади. «Биз миллатнинг хизматчиси эрурмиз, — деб ёзади. — Ўлкамиздаги бутун мусулмонлар: уламоси, бойи, қашшоғи, косиби, эри, хотуни — ҳаммаси бизнинг миллатимиздир; борчасининг саодати, эътибори, тинжлиғи ва роҳати учун тиришамиз, ҳатто бу йўлда жонимизни ҳам фидо этаргa ҳозир турамиз».

Фитрат ушбу мақоласида таъкидлайди: Самарқанд аҳли орасида иттифоқсизлик давом этаверса, таъсис мажлисига ушбу шаҳардан икки партиявий рўйхат бўйича сайланиши мўлжалланаётган беш вакил ўрнига бир нафари бориши мумкин. Хўжанд, Ўратепа, Жиззах, Каттақўрғон шаҳарлари аҳолиси Самарқанддан сайланадиган вакилларга бериши мумкин бўлган квоталарини қайтиб олиб, ўзларидан вакиллар сайлашлари аниқ. Мана, ихтилофнинг, иттифоқсизликнинг оқибати!

Абдурауф Фитрат ўша пайтнинг энг муҳим сиёсий воқеаси — умум Русия мусулмонларининг 1917 йил май, июль ойида бўлган қурултойлари қарорларини кузатиб борган ва уларга муносабат билдирган. Жумладан, унинг «Уч сийезднинг бир қарори муносабати ила» сарлавҳали мақоласи (газветанинг 4 август сони) шундай хусусиятга эга.

Маълумки, Умум Русия мусулмонларининг 1- сийезди (қурултойи) 1917 йилнинг 1-10 май кунлари Москвада бўлиб ўтганди. Унда Туркистондан ҳам вакиллар қатнашганди. «Ҳуррият» мазкур сийезд қандай ўтганини ёритишга ҳаракат қилди. Жумладан, газетанинг 1917 йил 26 ва 30 май сонларида Оренбургда чиқадиган «Вақт» газетасидан олиб, «Умум Русия мусулмонларининг сийезди» сарлавҳаси остида қисқача бир ҳисоботни берди. Газетанинг 9 июнда чиққан сонида "Самарқанд, 9 июн" сарлавҳали бош мақола берилиб, унда сийезд қабул қилган қарорлар мухтасар тарзда келтирилди.

Абдурауф Фитрат мақоласида "эътимоди нафс" деган нарса бор, бу инсонларнинг ўз кучига ишонмоғини англатади. Инсон бир нарсани қилиш учун ҳаракат бошласа ва бу ҳаракатининг бирон натижа билан тугашига қаттиқ ишонса, демак, унда эътимоди нафс бор, дейди. "Йўқлиқлар орасинда қолғон биз мусулмонларға шул эътимоди нафс сифати дахи йўқдир", — деб ёзади куйинган ҳолда муаллиф. Аммо Қозонда бўлган уч сийезднинг бир қарорини бу жиҳатдан юксак баҳолайди: "Қуллиқлар тангримизгаким, Қозондаги уч мусулмон сийездининг муштарак мажлиси шул йўлдан чиқди, миллий зафарларнинг очиқ йўли бўлғон "ўз кучига ишониб юрмоқ" йўлинда кирди ва ўтган нумеримизда ёзилғон муҳим қарорларни берди, муштарак мажлиснинг бу иши олқишларға ярар бир ботурликдир. Биз ўз тарафимиздан бу муҳтарам мажлисни қутлулаймиз ва бу ҳаракатининг миллий ишларимиз учун ўғурли (фойдали.- Б.Д.) бир бошланғич бўлишини тилаймиз".

Публицистнинг "тангрига қуллуқлар бўлсин" деб шукроналик билан ёзишига асосий сабаб — у ва маслакдошларининг интиқлик билан кутишгани Туркистон мухториятининг ҳам тез орада қўлга киритилишидан умидворлик ҳисси бўлган.

Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети "Жаҳон журналистикаси назарияси, амалиёти ва тарихи" кафедраси мудири, доцент.

(Давоми бор.)

ҲУДУДИЙ НАШРЛАРДА

Бола кўкси осмонда бўлсин

Кейинги пайтларда «оталикни белгилаш», «ёлғиз она» каби ибораларнинг учраши оддий ҳолга айланиб қолаётгани ғоят ачинарли. Тўғри-да, бир оилада кутилган фарзанд дунёга келса-ю, ана шундай «совға-салом»лар билан қарши олинса...

Хўш, бу каби ҳолатлар юзага келишининг боиси нимада? Саволга жавоб излаш асносида ёлғиз она аризасига асосан туғилишни қайд этиш сабаблари ўрганилганда қуйидагилар аниқланди:

— Қонуний никоҳдан ўтмай, турмуш қуриш;

— ана шундай оилада фарзанд туғилганда отанинг йўқлиги; (сафарда бўлиши, ташлаб кетганлиги, тан олмаганлиги ва ҳ.к.)

— иккинчи турмушлар;

— отанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг йўқлиги.

Маълумки, ёлғиз она аризасига асосан туғилган болалар она фамилиясида қоладилар. Қонуний ота ҳақидаги маълумотлар эса онанинг кўрсатмаси бўйича ёзилади Бола бобосининг ёки тоғасининг фамилиясига ўтказилиши ҳам мумкин.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Яъни, йиллар ўтиб, бола вояга етар экан, ўз-ўзидан бу ҳол унинг кўнглини синдиради. Руҳияти, тарбиясига таъсир ўтказади. Турли салбий кўринишларга сабаб бўлиши мумкин. Шу боисдан, бугунги кунда жойларда, ҳатто ўқув юртларида бу ҳақда кенг тушунтириш ишлари ва тадбирлар олиб борилмоқда. Натижада маълум маънода ижобий натижага эришилди ҳам. 2006-2007 йиллар солиштирмасига кўра, «ёлғиз она»лик 25 фоизга камайган. Бироқ ҳолатни бутунлай бартараф этишнинг сира иложи бўлмаётгани таассуфлидир...

Ойлархон ОХУНОВА.
"Диёнат",
03.07.2008

ДИЁНАТ DIYONAT
Ҳафталик юридик газета

YANGIYER TONGI
ADOVAT EMAS, ADOLAT ENGADI
MUSTAQIL GAZETA

Бировнинг ҳақи

Бозор... Ким сотувчи, ким олувчи. Шу икки ном остида икки мақсад билан жон койитади одамлар. Бири арзонроқ олишга, бири қимматроқ сотишга. Тарозининг палласи барибир оғма, гоҳ у томон, гоҳ бу томон оғиб кетади. Арзондан ҳам, қимматдан ҳам қимматлироқ бир нарса ҳар лаҳзада харидларга қўшилиб сотилиб кетишдан чўчиб туради, бу – виждон!

Афсуски, у бу маконда минг марта ўлиб минг марта тирилади, қисмати шудир балки?

– Жудаям сифатли нарса олаяпсиз, эртага молга боришим керак, шунинг учун арзон бераяпман, олинг! – дея аврайди сотувчи. – Ўзимнинг қизим уч ойдан бери кияди, «қилт» этгани йўқ, пулингиз ёнинггизда кетади, ҳеч ўйланмай олаверинг!..

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас болангизни қувонтириб олиб берган туфлингиз яроқсизга айланади, жаҳлингиз чиқади. – Фалон сўмга олганим фалон кунга чидамади-я?!

Яна ўша сотувчи аёлнинг ёнидан ўтаётиб сотаётган нарсаси сифатсиз эканлигини,сиз-ку майли, энди бошқаларга жабр қилмаслик кераклигини уқтирмоқчи бўласиз, кечаги хушмуомала аёл кеча бол томган тилини зумда қалампирга ботириб олади:

– Сифатсиз бўлса менга нима? Мен ишлаб чиқарибманми? Олганинггиз арзимас нарса-ю, ваҳимангизни қаранг! Бировнинг ҳақи керакмас менга!

Маҳсулотни қайтариб, зарарни ундиришга эса ғурурингиз йўл қўймайди. Қизиқ, сизнинг ҳақингиз кимда кетди, сотувчигами, ишлаб чиқарувчига?..

Нодира ДЎСМАТОВА.
"Янгиер тонги",
23.06.2008

«Сир сақлашга 300 минг»

2007 йил 6 ноябрь куни Ғаллаорол туман Марказий касалхонасига қарашли шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимининг жарроҳлик бўлимига фуқаро Ш. Нарзуллаев «Ўнг болдир соҳасига тешиб кирган жароҳат» ташхиси билан ётқизилди. Бўлимда жарроҳ бўлиб ишловчи З. Нурматов беморга тез тиббий ёрдам кўрсатиш даврида ўзига маълум бўлган ҳолатлар, яъни беморга милтиқ билан отиш орқали тан жароҳати етказилганлиги ва бемор танасидан бир дона милтиқ ўқи олинганлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга хабар бериши лозим эди. Аммо, жарроҳ «сих ҳам куймасин, кабоб ҳам» қабилида иш тутди. Бу орада жароҳатни Ш. Нарзуллаевнинг таниши С. Зиятов етказганлиги унга маълум бўлганди. Вазиятдан унумли фойдаланиб қолиш пайида З. Нурматов таъмагирлик йўлига ўтди.

– Гарчи бемор ҳеч кимга шикоят қилмаса ҳам, мен мазкур ҳолат ҳақида ИИБ ходимларига хабар беришим керак. Майли, бундай қилмайман. Эвазига 300 минг сўм олиб келасан.

С.Зиятовнинг рози бўлишдан бошқа иложи йўқ эди. У пулни бўлиб-бўлиб бўлса-да, олиб келиб беришга ваъда берди. 2007 йил 8 ноябрь куни 120.000 сўм пул билан ташриф буюрди. З.Нурматов ундан пулни олар экан, бир кишининг жиноятини яшириш эвазига ўзи жиноятчига айланаётганлигини ҳаёлига ҳам келтирмасди...

F. МАЛЛАЕВ.
"Адолат ёлқини",
13.06.2008

Адолат ёлқини
Жиззах вилоят прокуратурасининг нашри

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди.
Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».

ТАДҚИҚОТ

"Туркистон вилоятининг газети" фиҳристи

Чор Россияси Туркистонни истило қилгандан сўнг кўп ўтмай ўлкада назоратни кучайтириш, генерал-губернатор жанобларининг буйруқ ва фармойишларидан маҳаллий халқни хабардор қилиш мақсадида Тошкентда 1870 йил июль ойида "Туркистон вилоятининг газети" нашр этила бошланди. "Туркистон генерал-губернатори идораси қошидаги матбаъада босилған ушбу нашрнинг бир сони 5 тийин бўлиб, ҳафтада 2 мартабадин сартийа забонида босилған". Газета 1870-1916 йиллар оралиғида чиқиб, фаолияти 46 йил давом этган. Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонанинг "Нодир нашр ва қўлёзмалар" фондида сақланаётган ушбу газета таҳламида салкам 50 йил давомида жуда кўп расмий хабар, мақола, шеър, хат, нисбнома(некролог) лар босилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Раҳимжон ака Файзуллаев кўп йиллар давомида 2000 га яқин мақолаларни бирма-бир ўқиб, уларга фиҳрист(библиография) тузди. Фиҳристчи газетадаги мақоларни 27 гуруҳга ажратган: 1. Расмий хабарлар; 2. Қишлоқ хўжалиги; 3. Техника;. 4. Тарих; 5. Ҳуқуқ ва бошқалар. Мақола ҳақидаги маълумотлар қуйидагича яъни: мақола муаллифи, номи, газетанинг нашр йили, ойи, санаси ва сони. Бугунги тезкор замонда бундай ахборот ўқувчи вақтини тежайди, зарур маълумотларни осонлик билан топишига ёрдам беради. "Туркистон вилоятининг газети"га тузилган библиографик кўрсаткич-фиҳристни ўқир экансиз, унинг муштарий ва мухбирлари нафақат Тошкент балки, Бухоро, Фарғона, Хива, Қўқон, Андижон, Наманган, Самарқанд бошқа жойларда ҳам бўлганлигини кўришимиз мумкин. Яқин ўтмишимизнинг ойнаси бўлган ушбу газетада Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 60, Мирза Тошкандий-Мирмуҳсиннинг 40, Тўлаган Хўжамёров-Тавалло ва Ҳожи Муъиннинг 20, Исҳоқон Тўра-Ибратнинг 10 дан ортиқ мақолалари босилган. Шу ерда Раҳимжон ака айтиб берган бир қизиқ маълумотни келтирмоқчиман. Дастлабки вақтларда газета таҳририяти маҳаллий муаллифлар мақолаларига эҳтиёж сезганлиги учун аҳолини мақола ёзишга , қизиқтирмоқ мақсадида ҳар бир ҳарф учун 1 тийин тўлаган. Агар мақолада 300 та ҳарф бўлса, муаллиф 3 сўм қалам ҳақи олган. Энг муҳими, жадидчилик тарихи бўйича шуғулланаётганлар газетада "Маориф" рукни остида чиққан: "Андижон шаҳридаги рус-тузем билим юртида имтиҳон", "Бешёғоч рус-тузем мактабининг ўқувчилари муваффақиятлари", "Самарқанд рус-тузем мактаби", "Мактабларда ўқиш китобларини овоз чиқариб ўқиш хусусида", "Тошкент шаҳридаги мактаби жадидларда имтиҳонлар" каби мақолаларида маърифатпарвар оталаримизнинг келажак авлодни илмли-билимли бўлишлари учун қандай жон куйдирганликларини ҳам кўриш мумкин.

1910 йилларда кино санъатига оид "Бизлар ҳам ибрат олайлик"(Кино санъати ҳақида), "Эски Тошкентда кинематография" мақолалари киношунослик тарихини ўрганувчиларга фойдали бўлиши мумкин. Туркистонда кутубхоналар ташкил этиш масаласи ҳам маърифатпарварнинг асосий вазифаларидан бўлиб, уларнинг саъй-ҳаракатлари, айрим саховатпешаларнинг моддий ёрдами билан Тошкентдан ташқари Самарқанд ва Хивада ҳам кутубхоналар очилган.

Ушбу фиҳрист асримизнинг бошларида халқимиз анчагина саводли бўлиб, оқ-қорани бемалол ажрата олганлигини



кўрсатади. Газетадаги "Ерли халқлар учун омонат касса зарурми?", "Майда кредитлар тўғрисида", "Бухоро қоракўли Нижгород ярмаркасида", "Қарқара ярмаркасининг 1910 йил савдо обороти" каби мақолалар фикримиз далилидир.

Газетада пахтачилик, авиация, астрономия, археология, мардикорлик, хотин-қизлар масаласи, журналистика, мадрасалар, сайлов, таълим-тарбия ишларига оид турли-туман мақолалар шу соҳа тарихини ўрганувчилар учун манба бўлади. Хуллас, "Туркистон вилоятининг газети" фиҳристи бундан 140 йил аввал Туркистон халқининг адабиёти, тили, тарихи, санъати ҳақида кенг қамровли маълумотлар беради.

Сўзимнинг охирида бир фикрни айтмоқчиман. Қани энди бир мард чиқиб, газетадаги мақолаларни жорий алифбога ағдариб китоб ҳолида нашр қилса, асримиз бошидаги Туркистон ҳақида қимматли маълумотлардан бугунги ўқувчи ҳам баҳраманд бўлган бўлур эди.

Эргаш УМАРОВ,
профессор.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ТАЪТИЛ

Мактабдаги оромгоҳ

Бир донишманддан "Дунёдаги энг катта бахт нима?" деб сўрашганда "Бола кулгуси" деб жавоб берган экан. Дарҳақиқат, инсон учун фарзандининг шодлигидан-да буюкроқ бахт бўлмаса керак.

Тошкент шаҳридаги Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлимига қарашли 159-умумий ўрта таълим мактаби қошида ташкил этилган ёзги соғломлаштириш оромгоҳига кириб борар эканмиз бу маскандa дам олаётган болаларнинг шўх қийқириғи мамнуният изҳоридай туюлди гўё.



— Аввалида болалар келмай қолишлари мумкинлигидан чўчиб турган эдик. Аммо ўқувчиларимизга бу ер манзур бўляпти, шекилли, дам олишни истаётганлар сони ошяпти,— дейди мактаб директори Светлана Иногамова.— Бунда кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ҳордиқ чиқаришяпти. Яна бир нарсани айтиш керакки, туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкиллаштирганимиз учун оромгоҳда нафақат ўзимизнинг мактабда таҳсил олаётганлар, балки тумандаги бошқа таълим даргоҳи ўқувчилари ҳам таътилни мазмунли ўтказишяпти.

Юзта ўринга мўлжалланган ушбу соғломлаштириш масканида болаларнинг спорт билан шуғулланишлари, қолаверса бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча шароитлар яратилган. Моҳир қўллар, шахмат-шашка, мусиқа, баҳс қоидалари каби тўгаракларда ўқувчиларнинг билимларини кенгайтиришлари, қолаверса ҳунарманчиликнинг бирор бир турини ўрганишлари учун ҳам имкониятлар мавжуд.

— Ҳозиргина ўртоқларим билан сув ҳовузчасидан келдик. Энди эса дугонамдан шахмат ўйнашни ўрганяпман. Устозларимиз эртага ҳайвонот боғига ҳам олиб боришар экан. Бу ер менга жуда ёқди,—дейди қувонч билан мактабнинг 4-синф ўқувчиси Сарвиноз Самандарова.

Одатда оромгоҳ деганда кўз олдимизга тоғлар бағридаги, хушманзара боғлар қўйнида жойлашган болалар дам олиш жойлари гавдаланади. Аммо биз тилга олган бу мактаб мисолида озгина эътибор ва ташаббус билан шаҳарнинг қоқ марказида ҳам ўқувчилар учун қулай ҳордиқ чиқариш масканларини яратишнинг имкони борлигига амин бўлиш мумкин. Мутасаддилар томонидан бундай хайрли ишларнинг амалга оширилгани болаларнинг янги ўқув йилига ҳар томонлама тайёрланишларига кўмак бериши шубҳасиз.

Ситора ШАМСИДДИНОВА

Зиёлилик белгиси

(Бошланиши 1-бетда.)

Зиёлилар учун ҳеч бир давр осон кечмаган. Сукрот, Цицерон, Сенека қисмати бунга мисолдир. Улар жамият ричагини инсоният қабоҳат ва тубанлик қаърига улоқишидан сақлаш учун ушлаб қолганлар. Зиёлилар турғунлик пайтлари чекиниши ҳам мумкин. Кези келганда эса, элу юртнинг фожиасини ўз фожиаси деб қабул қилади ва ўзининг тақдирини ўлим кутаётганлигидан сескан майди. Афсуски, оломон зиёлиларни чинакам ватанпарвар қиёфасида ҳадеб кўравермайди. Чунки оми одамнинг дунёқараши ўзи яшаётган муҳит деворидан нарини илғаёлмайди. Шунинг учун ҳам халқни уйғотиш даҳоларга осон кечмаган. Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Абдулла Қодирий қатлиом қурбонларидир. Уларнинг сафида яна қанчалаб элпарвар ўғлону қизлар ҳуррият йўлида умрлари хазон бўлди...

Оломон зиёлиларни чинакам ватанпарвар қиёфасида ҳадеб кўравермайди. Чунки оми одамнинг дунёқараши ўзи яшаётган муҳит деворидан нарини илғаёлмайди.

Менимча, «зиёли» тушунчаси турли маъно қатламларидан иборатга ўхшайди, яъни зиёлиликнинг ҳам худди тасаввуф сингари ўз даражалари бўлса керак. Мақсад эса доим битта бўлган – комилликка эришув. Бу пиллапоялардан кўтарилиш учун инсон фақат илм ва ахлоққа таяниши мумкин. Қолаверса, ўзагингдан айрилиб комилликка эришиб бўлмаслиги бор гап, лекин ўзлигидан кечган зиёли ҳам бўла олармикан?

Жаҳонда қум кўчкисидай сузиб юрган оммавий маданият тўфонига қарши кескин эътирозлар билдирилмоқда. Ёш авлод қалбини шу бўҳрондан сақлаш маънавиятнинг муҳим вазифаси эканлиги бот-бот айтилаяпти. Аждодларининг улуғворлигини билмасдан Ғарбнинг шовқинли рок-поплари орасида уймалашиб юрганларни миллий ўзак сари етаклаш даври аллақачон етиб келган. Миллий ва маънавий ўзанидан узилиб қолиш фожиа, албатта. Зиёли деганда мана шу тамойилларга қалбини тиккан ва бундан чекинмайдиган шахсларни тушунмоғимиз керак. Юртбошимиз миллий мафкурани шакллантириш миллий ўзликка эришишнинг ягона йўли эканлигини доимо таъкидлаб келганида ҳам улкан маъно бор. Тарих қийматини ҳам, бугуннинг қиёфасини ҳам маънавият нурларигина безай олади, деган тўхтамга келсаккина истиқболнинг порлоқлигига эришамиз.

Эҳтимол, биз бу мавзуга чуқурроқ ёндаша олмагандирмиз, ҳар нечук ўз мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашгимиз келди.

Ўроз ҲАЙДАРОВ,
журналист

ГЛОБАЛ ИСИШ «11 СЕНТЯБР»ДАН ХАВФЛИМИ?

Япония пойтахти Токиода «Катта саккизлик» мамлакатларининг навбатдаги йиғилиши бошланди.

«Би-би-си ньюс» телеканали хабарларига кўра, саммитда бир қанча муҳим масалалар муҳокама этилаяпти. Жумладан, «Катта саккизлик» мамлакатлари раҳбарлари углерод моддасини ишлаб чиқаришни камида 50

фоизга қисқартиришга келишишди. Бу келишув глобал исишнинг олдини олишга хизмат қилади.

Айтиш жоизки, «Катта саккизлик»нинг ўтган йилги саммитида ҳам обҳавонинг ҳаддан зиёд исиб кетиши муҳокама этилганди.

Айни дамда мазкур саммитга кишилар турлича муносабат билдиришмоқда. Хусусан, кеча дунёда «ўргимчак одам» лақаби билан машҳур Ален Робер Франкфуртдаги осмонўпар бинога чиқиб, улкан шиор илиб қўйди. Унда қуйидаги ёзувлар бор: «Глобал исишнинг бир кунлик қурбонлари 11 сентябрь воқеалари қурбонларидан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин».

37 МИНГ ДОЛЛАРЛИК ФОТОАППАРАТ

Дунёга машҳур «Hasselblad» компанияси энг сўнгги русумдаги замонавий фотоаппаратни ишлаб чиқди.



«H3DII-50» русумли бу қурилма 50 мегапикселлидир. У сониясига уч юз мегабайтли расмни олади.

Янги маҳсулот сотувга шу йилнинг куз ойларида чиқарилади. Мутахассислар унинг нархини камида 37 минг АҚШ долларига тенг, дея баҳоламоқдалар.

СЕРБИЯДА ЯНГИ ҲУКУМАТ ТАСДИҚЛАНДИ



Сербия парламенти ҳукуматнинг янги таркибини эълон қилди.

Унга кўра, мамлакатдаги Демократик партия етакчиси Мирко Цветкович бош вазир этиб тайинланди.

Вазирлар Маҳкамасининг янги таркибини 164 депутатдан 127 нафари қўллаб-қувватлади, дея хабар беради «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги. 27 депутат унга қарши овоз берган бўлса, яна ўн нафар депутат бетарафлигини маълум қилди.

Ҳукуматнинг янги таркиби тасдиқланиши билан бош вазир ҳам ўз лавозимига киришишди.

ЧИНАВАТЛАР ОИЛАСИ «ҚОРА КУРСИ»ДА

Таиланд Олий суди коррупцияда айбланаётган мамлакат собиқ бош вазири Таксин Чинават устидан кўрилаётган тергов ишларини бошлади.

«Франс пресс» ахборот агентлиги хабарида айтилишича, собиқ бош вазир ҳукуматни бошқарган чоғда лавозимини суиистеъмол қилган. Ўшанда у турмуш ўртоғи Пожаман Чинаватга Марказий банк томонидан Бангкокда катта қийматга эга кўчмас мулк олиб берган. Агарда суд эр-хотин Чинаватларни айбдор деб топса, улар 13 йилга озодликдан маҳрум этилади.

Таксин Чинават шу пайтгача жиноий иш билан судланмаганди. Маълумотларга кўра, суд жараёни камида икки ой давом этади. Бундан ташқари, Чинаватлар оиласи ва уларнинг хайрихоҳларига ҳам суд олдида бошқа айбловлар қўйилиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, Таксин Чинават 2006 йилнинг сентябрь ойида ҳарбий тўнтарилиш натижасида бош вазир лавозимидан олинган эди. Шундан сўнг Чинаватга турли айбловлар қўйилиши оқибатида у Буюк Британияга қочиб кетишга мажбур бўлди. Шу йилнинг февралида собиқ бош вазир Ватанига қайтди.

МАРСНИНГ БИРИНЧИ ХАРИТАСИ

Италиялик олимлар томонидан илк бора Марс сайёрасининг жўғрофий харитаси яратилди. Бу ҳақда РАТА-ТАСС хабар тарқатган. Харитада Марс сайёраси сатҳи ҳақидаги узоқ тадқиқотлар натижаси бўлган қимматли маълумотлар акс этгани айтилмоқда.



— Марснинг харитасини тузишда сунъий йўлдош орқали йиғилган маълумотлардан фойдаланилди, — дейди Италия фазовий агентлиги президенти Жованни Биньяни. — Келгусида қуёш системасидаги бошқа сайёраларнинг ҳам жўғрофий харитасини тузишни режалаштирмоқдамиз. Бундай хариталар фазогирлар ва космик аппаратлар учун сайёрада қўниш жойини тўғри танлаш имконини беради.

ТАФСИЛОТ

Халқ ишончини йўқотган партия

Жорий йилнинг март ойида Испания халқи мамлакат бош вазирини сайлади. Эътиборли жиҳати, мазкур сайловда қаторасига иккинчи марта Испания Ишчи социалистик партияси (ИИСП) вакили ғалаба қозонди. Ҳукумат учун кураш олиб борган «Халқ партияси» эса бундан тўрт йил олдин йўл қўйилган хато туфайли ҳамон халқ ишончини тиклолмаяпти.

Халқаро кузатувчилар Испанияда 2004 йил ўтказилган сайловларни катта ҳаяжон билан тилга оладилар. Ўшанда ҳукуматни бошқарган Хосе Мари Аснар бошқарувидаги «Халқ партияси» мағлубиятга учради. Натижада бу ҳолат Аснар ҳукумати АҚШнинг Ироққа қарши урушини қўллаб-қувватлаётгани тўғрисидаги референдумга айланиб кетди. Мадрид шаҳрида содир этилган террорчилик хуружи эса икки юз кишининг ҳаётига зомин бўлди. Эътиборлиси, портлаш кунидан уч кун ўтгач, ҳукуматга сайловлар ўтказилди. Аснар АҚШ билан иттифоқчиликни оқлаш мақсадида юз берган воқеадан «бошқача йўлда» фойдаланишга интилди. Аммо...

Сайловларда АҚШнинг Ироққа ҳужумини қоралаб келган Испания Ишчи социалистик партияси ғалаба қозонди. Бу ҳолат бутун дунё буржуа ҳукуматларини, айниқса, Вашингтон ва Лондонни эсанкиратиб қўйди. Сайлов халқнинг нафақат АҚШ бошлаган урушидан норози эканлигини, балки, ҳукумат юритаётган сиёсатдан халқ норозилигини очиб берди.

42 фоиз овоз тўплаб муваффақиятга эришган ИИСП янги ҳукумат тузишга киришди.

Мадридда рўй берган портлашлар сайловда кишиларнинг оммавий қатнашишини таъминлади. Ҳукумат барча айбни бирор исботсиз «ЕТА» баск айирмачилари гуруҳига ағдарди. Бу «усул» «Халқ партияси» учун мағлубиятнинг иккинчи сабаби бўлди.

Аста-секин Мадриддаги портлашларда «Ал-Қоида»нинг қўли борлиги ҳақидаги маълумотлар ўз исботини топгач, аввал бошидан Ироқдаги урушга қарши турган испанияликлар 11 март сешанба кунидаги беайб кишилар ҳалокатининг сиёсий жавобгарлигини ҳукумат зиммасига юклатди.

АҚШ президенти Жорж Буш Аснарни Тони Блэрдан сўнг ўзининг Европадаги энг муҳим сиёсий иттифоқчиси, деб ҳисобларди. «Wall Street Journal» журнали Аснарнинг ҳукуматдан кетишини "Бушнинг терроризмга қарши ва Яқин Шарқ минтақасини янгидан тузишга қаратилган сиёсатига шол қилувчи зарба бўлди», деб ёзди. Газета яна давом этади: «Социалистларнинг сайловолди кампанияси асосан кенг халқ оммасини Испаниянинг Ироқдаги урушига кескин норозилигига асосланган эди. Шунинг учун Социалистлар партияси Мадриддаги портлашлардаги айб исботланмагунга қадар ўзига тегишли фойдани қўлга киритаётган эди».

Британиянинг «Independent» газетаси ўз шарҳида шундай ёзади: «Жорж Буш бошчилигида терроризмга қарши қатъийлик билан уруш олиб бораётган Тони Блэрга қўшилган Испаниядаги ҳукмрон «Халқ партияси»нинг тўсатдан мағлубиятга учрашини бемалол сиёсий ер силкиниши, деб атаса бўлади» дейилади.

Ироқдаги вазиятдан кучайиб бораётган норозиликлар Бушнинг сайловолди нуфузини «кемириб» ташлади. Блэр эса урушни оқлайвериб ишончни йўқотди. Юзага келган бундай вазиятда Саддамни ҳокимиятдан четлатишни мақсад қилган учала шахсга «испанча сюрприз» сиёсий майдонда кескин ўзгаришлар даракчиси бўлиши мумкинлигини исботлади.

ОАВда тарқатилган гўёки Аснар, Буш, Блэр сиёсатининг кенг халқ оммаси қўллаб-қувватламоқда, деган сохта хабарларни Испаниядаги сайловлар рад этди. Сиёсий реалликнинг муҳим таркибий қисми бўлган фактни яна ушбу ҳукуматларнинг жамиятда жуда чегараланган обрўга эга эканликларини сайловлар очиб ташлади.

Аснарнинг тезда қулашига ҳукумат томонидан Мадриддаги террорчилик хуружлардаги айбни ЕТА сепаратистларига ағдараётгани ҳақидаги уйдирмаларнинг фош этилиши асос бўлди. Ва бу ИИСП ғалабасини таъминлади.

«Халқ партияси» ҳар қандай йўл билан айбни ЕТАга тўнкашни ҳаракат қилди. Чунки Аснарнинг ўзи ЕТАнинг ашаддий душмани ва Испаниянинг ҳудудий яхлитлигини таъминловчи шахс сифатида ҳаракат қиларди. Унинг бундай йўл тутишидаги асл моҳият ижтимоий муҳтожликка ажратилган пул маблағини қисқартиришга қаратилган иқтисодий чоралардан халқни чалғитиш эди. Шу билан бир қаторда ҳукумат ҳадиксирарди. Кейинги воқеалар кўрсатганидек, ҳадиксирашга асос бор эди. Агарда халқ «Ал-Қоида»ни ёки уни хуш кўрувчи гуруҳнинг айбига ишонадаган бўлса, унда омма бутун қаҳри-ғазабини «Халқ партияси»дан Бош вазирликка номзод қилиб кўрсатилган Мариано Рахойга қаратар эди.

Жамият фикрини ўрганиш мақсадида ўтказилган сўров натижаларига кўра, испанларнинг деярли барчаси (90 фоизи) Ироқдаги урушга қарши бўлган, 2002 йилнинг охири 2003 йилнинг бошларида миллионлаб испанлар норозилик намойишларида қатнашдилар. Буш ва Блэр сингари Аснар ҳам халқ фикрини инкор қилди. Ва АҚШни мустамлакачилик ҳарбий юришини тўлалигича қўллаб-қувватлади.

Мадридда содир этилган портлашлардан бир неча дақиқадан сўнг «Халқ партияси» вакиллари бу жиноятда ЕТА ташкилотининг қўли бор, деган баёнот билан чиқдилар. Фожиа рўй берган куннинг иккинчи ярмида Ташқи ишлар вазири Ана Паласио ўз элчиларига шундай йўл-йўриқ берди: «Тўғри келган ҳар қандай вазиятда ушбу норозиликларга ЕТА жавобгар, дея тасдиқланглар».

Аввалига «Халқ партияси»нинг тактикаси наф бераётгандек туюлди. Сайловолди кампанияси тўхтатилди. Ва барча умид ҳукумат томонидан 12 мартга белгиланган мотам кунидан кутиларди.

Бу гўёки сиёсатдан йироқ тадбир бўлиб, аммо «Халқ партияси» ўз тарғиботи-ташвиқоти воситасида 11 миллион киши иштирок этган намойишда асосан ЕТА ташкилотини қораловчи шиорларнинг кўп бўлишига урғу берди.

Жорж Буш Испаниянинг Вашингтондаги элчихонасига гулчамбар қўяр экан, Аснарни ўзининг иттифоқдоши, ЕТАни эса душманимиз, дея билдириб қўйди. Блэр Ташқи ишлар вазири Жек Строу ва Британиянинг бошқа сиёсатчилари терроризм ҳақида чиқишлар қилиб, бутун оламга таҳдид солаётган хавфга нисбатан қўшимча чоралар қўлланишига ваъда бердилар.

Аммо Испанияда миллий якдилликнинг туюлиши хомхаёл бўлиб чиқди. Ҳафта охирларига бориб, «Халқ партияси»га нисбатан ғазаб кучая борди. Сабаби ЕТАнинг айбсизлиги борасида исботлар пайдо бўлишига қарамай, ҳануз ташкилотни қўпорувчиликда айблаш давом этарди.

ЕТАнинг ўзи хуружга алоқаси йўқлиги тўғрисида икки маротаба баёнот берди. «Cadena SER» радиостанцияси махсус хизмат разведка тузилмасидаги манбаларга таянган ҳолда 99 фоиз ишонч билан портлашларни экстремистлар амалга оширди, деган хабарни тарқатди. Марокашлик беш киши қўлга олиниб, улардан бири «Ал-Қоида» билан алоқадорлиги борлиги ҳақидаги айблов эълон қилинди.

Ниҳоят 14 март сайловлар куни эрталаб ҳукумат чиқинди идиш ичидан видеотасма топилганини ва унда Абу-Дужон ал-Афғоний деган кимса ўзини «Ал-Қоида»нинг Европадаги командири эканлигини таъкидлаб, портлашларни ўз бўйнига олганини ва бунга сабаб қилиб "Жиноятчи Буш ва унинг иттифоқчилари билан ҳамкорлик қилганингизга жавоб" деган жумлани асос қилиб кўрсатди.

Ушбу далилларнинг бирон-бири ишончдан йироқ бўлишига қарамай, шуниси равшан эдики, «Халқ партияси» ҳукумати ЕТАни портлашларга алоқадорлиги тўғрисида барибир аниқ бир исбот топа олмади. Ички ишлар вазири Анхел Асевес (Angel Acebes) «Гўёки ҳукумат далиллар устида найранг ишлатмоқда ёки уларни яширишга уринмоқда» деган фикрларни ошкора рад этиб, чиқиш қилди. Бироқ бу ҳам ёрдам бермади.

13 март шанбада бутун кун мобайнида «Халқ партияси»га нисбатан норозилик кучая борди. 5000 га яқин киши «Халқ партияси» штаб-квартираси олдида тўпланиб, «Бизнинг мурдалар сизнинг урушингиз сабабидандир», — дея дона-дона қилиб бақирар эдилар.

«Чипқон» сайловлар куни ёрилди. Мадрид атрофидаги сайлов участкасига овоз бериш учун Мариано Рахой келганда, у ерга тўпланган намойишчилар уни қотил, деб атадилар. Овоз бериш жарёнида Аснар ва унинг турмуш ўртоғига хуштак чалиб, уларни турткилаб, шу йўл билан ўз норозиликларини билдирдилар.

Халқнинг бундай кенг қўламли норозиликлари туфайли «Халқ партияси»нинг қулашини ва ИИСПнинг ғалабасини испан ҳамда бошқа меҳнаткашлар учун сиёсий юксалиш, деб аташ жиддий хато бўларди.

ИИСП мамлакатда Аснар режими қўллаган иқтисодий чоралардан оғмаслик ниятида бўлди. Бу партия Европа Иттифоқининг иқтисодий кўрсатмаларини тўлақонли қўллади. Уларни бажариш учун эса ижтимоий тузилмаларни барбод қилиш, иш билан бандликни қисқартиришга тўғри келди.

Хориж матбуоти ва Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

МУЖДА

Фарғона вилоятининг чўл ҳудудида ястанган Ёзёвон тумани мустақиллик йилларида янгича қиёфа касб этди. Бу ердаги ободончиликлар кўламига боқиб кўз яшнайди. Энг муҳими, аҳолининг турмуш даражаси йил сайин юксалиб бораётганини, одамларнинг кўтаринки руҳияти ва азму шижоатини кўриб, беихтиёр таъсирланасиз. Айниқса, бугунги фермерларнинг миришкорлиги ва деҳқончилик маданиятига таҳсинлар келтирасиз.

Меҳнатдан келса бойлик...

Ёзёвон вилоятда биринчи бўлиб фермер хўжаликлари иш русумига ўтган туман ҳисобланади. Мана, неча йилдирки, бу ерда давлатга пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш режалари мунтазам равишда ошириб бажарилмоқда. Айни пайтда республикамиз Мустақиллигининг 17 йиллиги байрами шарафига муносиб тўёналар ҳозирланмоқда. Масалан, туман миришкорлари давлатга ғалла сотиш йиллик режасини вилоятда энг пешқадамлар сафида ошириб бажарганлиги фикримизнинг далилидир.

— Анча қурғоқ келган бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитига қарамай, — деб ҳикоя қилади туман ҳокими Абдураҳмон Тохлиев, — далаларимизда мўл-кўл буғдой ҳосили етиштирилди. Давлат омборларига 16 минг тоннадан зиёд аъло навли дон топширдик. Бу туманимиздаги 527 та ғаллачилик фермер хўжалигининг деярли барчаси ўз ваъдаларига вафо қилишганини кўрсатиб турибди.

Биз туманнинг ана шу омилкорлари рўйхатида қатор йиллардан бери пешқадамлар сафидан жой олиб келаётган "Машъал" фермер хўжалиги фаолияти билан яқиндан танишдик, хўжалик бошлиғи Комилжон Усмонов — пишиқ-пухта жуссали, ҳаракатчан, нигоҳи самимий ва қатъиятли, камтарин инсон экан.

Маълум бўлишича, "Машъал"чилар бу йил ғалла ҳосилдорлигини гектар бошига 65 центнерга етказиб, белгиланган режани 127 фоизга уддалашибди. Энг қувонарлиси шундаки, фермер хўжалигининг ўзига 200 тонна буғдой қолдиришибди. Бу деҳқон хонадонига тўкилган салмоқли бойлик, қўшимча қут-барака, фаровонлик демакдир.

Худди ана шундай юксак самарага Араббой Болтабоев, Расулжон Эргашев, Абдумутал Холматов каби кўплаб омилкорлар бошлиқ фермер хўжаликлари ҳам эришганлигига гувоҳ бўлдик.

Энди шу ўринда, ўринли бир мисолни қайд этиб ўтмоқ жоиз. Кейинги икки ҳафтанинг ўзидаёқ туманнинг ғаллакор деҳқонларидан 30 нафари янги ҳосил даромади ҳисобидан "Ласетти", "Нексия" русумли автомобилларни сотиб олишибди.

Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик, деб шунга айтадилар-да.

Мутал ҚОДИР,
журналист. ®

СУРАТДА: (чапдан) "Машъал" фермер хўжалиги раҳбари Комилжон Усмонов ёш фермер Раҳимжон Жумаевга янги ҳосил сифати хусусида фикр билдириб турган пайт.

Улуғбек УМАРОВ олган сурат.

ФИКР

Меҳнат юз йил умр кўриш санъатининг зарурий шартларидан биридир.

М.ШЕВРЕЛЬ

САНЪАТ

Сеҳрли олам тилсими

Табиатни ўрганишнинг чеки-чегараси йўқ. Айниқса, уни тасвирий санъат орқали ўрганиш ҳадсиздир. Умумий борлиқдан ўзига хос жозибани англаш эса улкан шахсий қунт билангина амалга ошади.

Неча йилдирки, Шарқ санъатининг инсон ақлини лол қолдирадиган буюк ёдгорликлари Ўзбекистон Давлат санъат музейида сақланиб, асрдан-асрга, ўтмиш давридан келажак авлодга намойиш этиб келинмоқда. Тарихдан маълумки, Ўзбекистон Ўрта Осиёда гуллаб-яшнаган жаҳон цивилизациясининг илғор маркази бўлиб келган. Шунданми, музейдаги деворий рассомчилик, ҳайкалтарошлик, сопол, металл ва заргарлик буюмлари ҳамда бошқа кўпгина бадиий халқ амалий санъати асарлари хилма-хил маданиятлар билан чамбарчас боғланиб кетган.



— Ҳар куни музейимизга дунёнинг турли ўлкаларидан сайёҳлар, экспедициялар, ҳамда санъат ихлосмандлари баъзи санъат асарларини бир марта кўриш орзусида ташриф буюришади. Айниқса, қўли гул ўзбек усталари ва мусаввирларининг олис мозийга туташ дурдоналари мамлакатимизнинг маънавий маданияти билан кенг жамоатчиликни таништиришда катта ҳисса қўшмоқда. Ҳақиқий нусхада тақдим этилаётган бу ноёб тўпламлар гўзаллик шайдолари қалбига жўшқин, илоҳий куч-қувват бағишлаб турибди. Ўзбекистон санъат музейи жаҳоннинг энг яхши музейлари рўйхатига киритилганлиги қалбимизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Давлат санъат музейи директори Қудратилла Ажиметов.

Дарҳақиқат, музей фондида сақланаётган ҳар бир санъат асари ўзига хос неча минг йиллик тарихга эга.

АЖДОДЛАРИМИЗ БЕЗАГИ

Санъатнинг бошқа турларига қараганда заргарлик санъати табиатан нафислиги, гўзаллиги билан фарқ қилади. Музейда сақланаётган полеолит, неолит, бронза даврига тааллуқли Бухоро ва Хива хазинасининг заргарлик буюмлари юқоридаги фикримизни исботлайди. Кумушдан феруза қадаб ишланган ва икки очиқ учига бир-бирига қарама-қарши ҳайвонлар тасвири туширилган нафис билакузук юксак санъат асари тарзида томошабинда катта таассурот қолдиради. Қимматбаҳо тошлардан қадаб ишланган ярим ой шаклидаги тиллақош эса Хива санъатининг ўзига хос этник хусусиятларини намоён этади. Бу ерда аёллар ва эркакларнинг қоматлари акс этган тақинчоқлар, кумуш ва бронзадан тайёрланган зийнат буюмлари, кийим-бошларининг турли қисмларига — кўкракка, бошга, пешона қисмига, қўлга, қулоққа, оёққа тақиладиган безаклар, исирға, узук ва тўғноғичлар ўз асос-эътибори билан барча заргарлик санъати Бақтрия бадиий мактаби мавжуд бўлганлиги хақидаги тахминларга асос бўла олади.

Музейда археологлар томонидан топилган зеб-зийнат буюмлари орасида бурма илон шаклидаги кумуш узуклар, шокилалари қўнғироқчалардан иборат билакузуклар алоҳида мазмун-моҳият касб этади. Ўтмишда ишланган бу зеб-зийнат буюмлари шакл ва мазмун жиҳатдан бойиб, ҳаёт ва гўзалликка бўлган эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади.

ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН

Қадимдан давом этиб келаётган анъаналардан яна бири зардўзлик санъатидир. Зардўзлик билан амирлик замонида фақат эркаклар шуғулланиб келишган экан. Айтишларича, аёл қўли тегса зардўз хира тортармиш. Музей фонидаги дўппиларнинг тури кўп. Уларнинг орасида каштали дўппилар ҳали-ҳануз машҳур. Бу дўппиларнинг шакли, расми, тикиш услуби ҳам ҳар хил. Мана шундай оммавий ишлаб чиқарилган дўппилардан яна бири ироқи дўппи.



Қизил, мовий, сиёҳ, яшил сингари ўткир ранглар ёрдамида тикилган, чарх ураётган айлана қушнинг тасвири Самарқанд фольклорига мансуб анъаналарни эслатади. Қизларнинг орзу-умидлари, юрак туғёнлари акс этган Марғилоннинг каштали дўпписи ҳам ўзига хос тарихга эга. Турфа гуллар қиёсида тикилган гулдор сўзаналар Шаҳрисабз бадиий маданият «мактаби» борлигини намоён этади. Бу зардўзлик буюмлари фақат музей фондини безаб турмасдан, қалбларга эстетик завқ бағишлаб, фойдаланишга имкон яратади.

УЛУҒБЕК МАДРАСАСИ ПАННОСИ

Музейда эртакдаги ҳайвонсимон шаклдаги анъанавий ўйинлар орқали кўрсатилган Х.Раҳимов, Ш.Обидовлар ясаган кулолчилик намуналари, Бухоро яқинидаги Иба қишлоғидаги уста Ф.Саъдуллаевнинг жимжимадор, бўғинли идишлари, Самарқанд, Хива, Каттақўрғон ва бошқа шаҳарларда ишлаб чиқарилган, сирланган сопол буюмларининг асл қисми хорижликларда катта қизиқиш уйғотади. Айниқса, сирланган сопол намуналари Ўрта аср давридаги Фарғона, Бухоро, Хоразм кулолчилик сир-синоатини ўргатади. Жанговар образлар ёрдамида Будда дини акс эттирилган ҳайкалтарошлик ишлари Миср, Эрон, Хитой, Ҳинд, Араб тасвирий санъат жилолари билан уйғунлашиб кетган. Бунга бугунгача сақланиб қолган қадимий шаҳарлар гувоҳлик беради. Экспозицияда X асрдаги Ахсикетнинг сирланган бадиий кулолчилик намунаси алоҳида эътиборга молик. XIII-XVIII асрларнинг меъморий ёдгорликларини безашда ишлатиладиган, сирланган ўйма терракотлар, мойли қоплама безакларининг парчалари кенг қамровда кўрсатилган. Булар орасида Самарқанддаги Улуғбек мадрасасининг мозаик панноси (XV аср), Бухородаги Ғазайин масжидининг мозаик панжараси (XVI аср) мозий сабоқларидан огоҳ этади.

ҲАЙКАЛЛАРНИНГ ЎЛМАС ТИЛИ

Назаримда, инсон қиёфасини ҳайкалтарошчалик ҳеч қандай ижодкор теран ва ишончли тавсирлай олмаса керак. Экспозиция фондида лаҳзаларни асрлар давомида тўхтатиб турган ҳайкаллар ҳаётнинг мазмун-моҳиятини англатади. Пластинка, керамикадан ясалган И.Жабборовнинг чархпалак ғилдираги акс этган "Ҳаёт ғилдираги" номли коллекцияси музей фондини янада бойитган.

Музейда Ҳиндистон, Хитой, Япония ва Жанубий Корея халқ амалий санъати ҳам санъат ихлосмандларига эстетик завқ бағишлаб турибди. Бронза орқали кўрсатилган энг қадимий ёдгорлик – бу ғаройиб якка шоҳ Чин-Лин шаклидаги XII асрнинг исирикдони, «Клоазан» эмали техникаси услубида турли бўёқлар билан безатилган ҳайкаллар, қадаҳлар, гулдонлар, маржонлар кўргазмалари Хитой амалий санъатидан томошабинларни баҳраманд этади. «Тухум пўчоғи» деб ном таратган XVIII-XIX асрларнинг чинниси, брелог сифатида ишлатилган ёғочдан ва фил суягидан ясалган «Нетске» миниатюр фигуралар, декоратив чинни гулдонлар бизни Япон санъати тарихининг сирли оламига олиб киради.

ТОМЧИДА ҚУЁШ АКСИ

Ўзбекистон тасвирий санъатининг олтин фондида сақланиб келаётган асарлар йиллар давомида мусаввирларнинг асарлари кўргазмаларидан сотиб олинган вақтдан бошлаб, бугунги кунга қадар музейнинг олтин фондига киритилган экан. Музейнинг энг катта тўпламларидан бири ўзбек бадиий санъати асарларидир. Атоқли ўзбек рассомларидан А.Абдуллаевнинг «А.Ҳидоятов Отелло ролида», «Буви ва набира», Р.Аҳмедовнинг «Ўйчан она», Чингиз Ахмаровнинг "Р.Темировнинг портрети", Ў.Тансиқбоев, Н.Карахан, Н.Кўзибоев ва бошқаларнинг

асарлари киритилган. Коллекция ўзбек миллий бадиий маданиятининг шу тур тарихини тўлатўкис тасвирлаб турибди. Музейда XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида ижод этган рассомлар – И.Казаков, И.Карамзин, Р.Зомер, И.Раззоқов ва Л.Бурреларнинг асарлари этнографик хусусиятлари билан ажралиб туради. Москва, Петербург, Киев шаҳарларида таълим олиб ҳаётини буюк Шарқ билан боғлаган буюк рассом П.Бенковнинг "Қиз дутор билан" асари Шарқ тасвирий санъатида алоҳида ўрин тутади. Бу ҳайратни биз ўзбек характерини моҳирона тасвирлай олган А.И.Волковнинг "Чойхона", "Созандалар" асарларида ҳам ҳис этишимиз мумкин. Айниқса, рассомнинг "Туялар карвони" асарининг бадиий ва маданий қийматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Музейнинг сўнгги туркумлари қаршисида хаёлга чўмиб қоларканман, қалбимда ажиб туйғуларни уйғотган Рўзи Чориев, Жавлон Умарбеков, Ортиқали Қозоқов, Акмал Нур асарларидаги фикр, фалсафа, ранг, товуш куйи юракларга мангу қўшиқ бўлиб кўчади.

Адиба УМИРОВА,
«Ҳуррият» мухбири.

ҲАЁТИЙ ВОҚЕАЛАР

Яхши хулқли бўлиш — бахт

Яхши хулқ эгаси бўлиш ҳам бир бахт, — дейди Ҳайбулла ота. — Яқинда қўшним эҳсон дастурхони очганди. Масжидимиз имоми беш-ўн дақиқаликлик амру маъруф қилди. Шу пайт ҳамманинг диққат эътибори домланинг сўзларига қаратилган эди. Лекин Асқар бобо деган киши нуқул домланинг гапига "чил" бераверди. Ўзининг ёшига мос келмайдиган қилиқлар қиларди. Домла, у кишининг ноўрин саволларига қалбига озор бермайдиган холатда жавоб бера бошлади. Асқар бобо ҳаддидан ошиб "Домла, сиз ҳам ароқ ичганмисиз?", деб сўради. Домла "йўқ", деди ва босиқлик билан амру маъруфларини давом эттирди. Ўз қадрини билмаган Асқар бобо: — "Мен ичганман. Аммо, мен жаннати одамман", деди. Домланинг энди жаҳли чиқиб кетди:

— Аллоҳ менга жаннати ва дўзахиларни ажратиб бериш ваколатини берган эмас. Қайси бир киши жаннати эканини ёлғиз Тангри билади. Ёшингиз саксондан ошган узоқ йиллар шифохонада ишлаган одамсиз. Балки, ким дўзахийлигини сиз биларсиз?

— Бу дунёда жаннати одамнинг ўзи йўқ! Шундай эмасми? — яна одамларга ҳурматсизлик қилиб сўради Асқар бобо.

— Асқар бобо! Биз Ислом динини, Аллоҳнинг муқаддас каломи "Қуръони Карим"ни ва башариятнинг охирги пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.)ни муҳокама қилишга ҳақли эмасмиз. Ҳаммамиз ҳам илм олишга, одоб-ахлоқли бўлишга ҳақлимиз, — деди домла.

Файзли даврага, мазмунли суҳбатга путур етди. Одамларнинг кайфияти бузилди. Орамизда академик Маҳмудхон хожи ҳам бор эди. У киши одоб билан:

— Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг бир муборак ҳадисларини ўқигандим: унда гапи ноўрин бўлган одам шайтон қавмидандир, деб ёзилганди. Биз хонадон соҳибини ҳурмат қилиб келганмиз. Ислом шариатида амру маъруф фарз амалдир. Уни қилган, эшитган ва бошқаларга ҳам эшиттирган ҳар бир кишига савоб ёзилар экан. Сиз бўлса, ўзингизга ва ёшингизга ярашмайдиган қилиқларингиз билан бу ерда ўтирганларнинг нафратига учраб турибсиз. Бошқа жойдан келган одамлар олдида бизнинг бошимизни эгиб қўйдингиз. Нафақат бугун, ҳамиша сиз иштирок этган даврадан файз кетиб қолади, деди.

Шундан кейин Асқар бобо жойидан туриб, елкасида бир қоп юки бор одамдай, бошини хам қилганича даврани тарк этди. "Букрини гўр тузатар", — деди кимдир. Домла бўлса: "Мана, бундай аччиқ гаплар ҳам гоҳида ёмон одамларга таъсир қилади. Асқар бобони бўйни синмаса ҳам, қадди синди. Озми-кўпми орияти бор экан. Бўлмаса, яна ўзимни буларга бир кўрсатиб қўяман дейиши ҳам мумкин эди", деди.

Орадан бир-икки ой ўтиб, яна бир эҳсон дастурхони очган биродаримизникида бўлдик. Даврада Асқар бобо ҳам бор эди. Энди, у киши мусичаи беозор. Жим ўтириб, амру маъруф тинглади. Дастурхонга фотиҳа ўқиладиган бўлганида: "Дуони Асқар бобо қилсинлар", деди ўша масжид имоми. Асқар бобо дуо қилдилар. Имом-хатиб бўлса "Қуръон" тиловат қилдилар. Одамлар ҳам, домла ҳам, Асқар бобо ҳам энди бир-бирларини тушуниб, кечирган эдилар.

Абдулҳамид ҳожи ҲАБИБУЛЛАЕВ,
доцент.

ҚАТРА

Ранглар дунёни безайди

Адабиётнинг пайдо бўлишига ҳис-туйғулар сабаб бўлган, адабиётнинг асосий тенденцияси ҳам ҳис-туйғудир. Ҳис-туйғу бўлмаганда адабиёт ҳам бўлмасди, у ҳолда умуман бу ҳақда гапириб ўтиришнинг ҳам ҳожати қолмайди.

Робиндранат ТАГОР

Аллоҳ инсонни шундай яратганки, у барча мавжудодлардан буюкроқ. Ўйланиб қоласан, инсоннинг буюклиги нимада? Гўзал хулқ-атворида, майин табассумида, қалб нурафшонлигида, юрак поклигидамикан...

Менимча, инсоннинг буюклиги — инсонийлигида.

Инсон "унутиш, унутилиш" демак. Ой кунларини йиллар ютиб асрлар ошса инсон унутилади. Аммо инсонни абадийликка муҳрловчи шундай нарса борки, у ҳам бўлса — сўз. Сўз ёрдамида биз бошқа одамлар билан маънавий яқинлигимизни ҳис қилишимиз мумкин. Сўз ҳиссиётларимизни маълум йўлга солиб туради. Юрагимизни бошқа одамнинг юрагига ҳамдард, ҳамнафас қилиб янада қаттиқ уришга ундайди. Қалбимизни янги ҳаётга ундайди, уни тобора кучли қилади. "Сўз — инсонлар бир-бирини алдаш учун яратилган" деган экан Гёте. Шундаймикан?.. Сўзлар ёрдамида инсон қалбларни ларзага келтирувчи шеърлар ярата олади-ку!

Юрак билан шеър орасида қандай фарқ бор. Шеър юракда битиларми-кан ёки юрак шеърда? Юрак борлиги учун ҳам шеър яратилади, менимча.

Шеър шеърият рухсорида жиловланади. Шеърият — юрагида ўти борлар чамани. Мен шеъриятнинг қўлларига қадаҳ тутаман. У қадаҳ ҳар доим тўлиб туради. Қадаҳнинг кўриниши турли рангларда бўлади. Ранглар дунёни безайди. Дунё — ҳаётни. Ҳаётда инсон яшайди. Инсон қадаҳ сувидан сипқоради. Юрак ниманидир сипқордими тўйинади, шиддат билан ура бошлайди. Умид тўлқинларида сузади. Сўлим чаманзорларда куйлайди. Ташна қалбларни руҳлантиради. Инсон, инсон эканлигини ҳис қилади. Сўз, Шеър, Фикр — адабиётнинг кучи ҳам мана шунда. Агар шу сўзлар менинг кўзларим ёшларида жо бўлганида эди... Мен бебаҳо умрим давомида асло йиғламасдим...

Гулчеҳра АШУРОВА,
Бухоро шаҳридаги педагогика коллежи талабаси.

МАЪНАВИЯТ

АЙТГАНЧА

«Юмшоқми ёки қаттиқ?»

Ўзбек тилининг давлат мақоми даражасига эришган давр бугун бир эр йигитнинг бўйи билан бўйлашгудек. Бу мақом Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан ҳам кафолатланган. Шу туфайли ўзбек тили кейинги йилларда анча эркин «нафас олди», идора ва ташкилотлардаги зирҳли қўрғонларни тешиб ўтиб, расмий қоғозларда ҳам ўз жамолини кўрсатмоқда. Хуллас, ўзбек тили катта тараққиёт йўлига тушиб олганига анча бўлди.

Аммо унинг шаклланиш жараёни, назаримизда, бироз суст кечаётгандай. Айниқса, имло саводхонлиги даражасида чалкашликлар жуда кўп. Бу ҳақда олимларимиз ва мутахассислар матбуотда ҳам бир неча бор чиқишлар қилишди — бонг уришди. Ва негадир яна жимиб қолишди.

Бугун республикамиз матбуоти ва телевидениесини кузатадиган бўлсангиз, ана шундай ғализликларга тез-тез дуч келасиз. Чунки бугунги мактаб ўқувчиси, талабанинг дарсликлардан бошқа ўқийдиган китоблари кам. Улар кўпинча телевизор томоша қиладилар, газета ўқийдилар. Саводи асосан ана шу манбалар асосида шаклланади, десак адашмаган бўламиз.

Бироқ, оммавий ахборот воситаларининг аксариятидаги имловий (стилистик ва луғавий чалкашликлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади) хатолар бугун ҳаммамизни безовта қилиши лозим. Айниқса, х ва ҳ (лотин алифбосида бу янада яққолроқ сезилади) ҳарфлари, қаратқич ва тушум келишикларининг чалкаш ҳолда қўлланиши ёшлар ўртасида оммавий тусга айланмоқда. Баъзида нуфузли матбуот нашрларида ҳам бундай сакталиклар тез-тез учраб турибди.

Газета ва журналлар таҳририятларига келаётган мактубларда ҳам ана шу безовталик зоҳир. Уларда айтилишича, жуда кўп ҳолларда номлар ва атамаларнинг ёзилишида ҳам икки хиллик мавжуд. Масалан, вазирлик ва бошқармалар баъзида бош ҳарф билан, гоҳо кичик ҳарфда ёзилмоқда. Бундан ташқари, баъзи газеталар «милён» деб ёзса, айрим журналларда бу сўз «миллион» тарзида баён этилади. Ёхуд «милиция»ни «мелиса», «банк»ни «банка» деб аташ ҳоллари ҳам учраб туради. Бу эса ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳам баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Ўқувчи ўзиникини тўғри дейди, керак бўлса ўша газета ва журнални рўкач қилиб кўрсатади.

Назаримизда, ҳар бир соҳа бўйича атама ва номлар луғати устидан ишлар жиддий ташкил этилиши керакка ўхшайди. Ҳозир амалиётда бўлган ўзбек тили изоҳли луғатларини ҳам қайтадан тайёрлаб чоп этиш лозим. Негаки, давр ўзгарди, бинобарин, изоҳли луғатлардаги кўпгина сўзлар ҳам қайтадан «изоҳланиши»га зарурат пайдо бўлди. Зеро, бундай китоблар ҳар бир ўзбек хонадонида биттадан, ҳар бир кутубхонада кўп нусхада туриши зарур.

«Фалон сўзда «х» юмшоқ бўладими-қаттиқ», — деб сўрагувчиларни эшитганимда латифанамо ҳангома ёдимга тушади.

Эшигига устма-уст меҳмон келавериб безор бўлган кишидан ўғли сўраб қолибди:

— Дада, «хўроз»да «х» нинг думи бўладими, йўқми?

— Ўғлим, — дебди ота меҳмонларга эшиттириб, — хўрозда дум бўлмайди, меҳмонда «дум» бўлади...

Саводхонлик, илм маданияти, энг аввало, тилга, унинг ҳар бир иборасигача бўлган муносабатда билинади. Бу борада тилшунос олимлар, илмий-тадқиқот институтлари, нашриётлар биринчи галда бонг уриши керак эмасми? Зотан, бундай савобли иш учун ҳомийлар, моддий мададкорлар ҳам топилишига, шак-шубҳа йўқ.

Эсиргап БОЛИЕВ

ЭЪЗОЗ

Қўш шамчироқ шуъласи

Мен «Олмос» исмини илк бор жаннатмакон устоз, беназир шоир Ғафур Ғулом шеърларида учратганман. Ҳали ҳеч қачон эшитмаганим бу исм орқасида турган инсон кўзимга жуда сирли бир хилқат бўлиб кўринарди. Уни ўзимча турлича тасаввур қилиб кўрардим. Кўнгил истагига эргашиб, Тошкентга келгач, Олмос опани учратдим. Илк тасаввурим, ниҳоятда дид билан чиройли кийинадиган аёл...

Суратда: Олмосхоним Аҳмедова

Адиба Олмас Аҳмедова билан яқиндан танишмагунча хаёлимда ўша суврат яшаб қолган. Устоз Зулфияхоним уйида ўтадиган нафис мажлисларда ҳам уларни кўрардим, Зулфия опага жуда қадрдон эканлиги хатти-ҳаракатлари, гап-сўзларидан билиниб турарди. Тўғриси, Олмос опани яқиндан танимагунимча, у менинг учун улуғ шоирнинг эрка қизи, Қудрат Аҳмедовдай ажойиб инсоннинг севимли рафиқаси эди, холос.

«Саодат» журналига ишга келгач, бош муҳарririмиз Ойдин опа сабаб Олмосхоним билан яқиндан танишдик. Ва шу пайтгача у кишига яқинроқ боришга ҳаракат қилмаганим, шунчаки асилзода аёллардан бири деб ўйлаганим учун роса хижолат бўлдим.

Олмос опа энг аввало меҳрибон инсон. У одамларни табақаларга ажратиб, муомала-муносабат қилмайди. Инсонлиги, қалбида бир яхшилиги борлиги, қорақўзлиги учун ҳурмат қилади.

У киши жуда кўп ўқийдилар. Аслида ўзини зиёли деб билган ҳар бир аёл ҳам савод борасида ҳаминқадарлиги сир эмас. Аммо Олмос опа жаҳон адабиёти ва жаҳон матбуотини мунтазам кузатиб борадилар. Шунинг учун суҳбатлари жуда бамаъни. Баъзи зиёлилар давра-сида икки оғиз гапдан сўнг «айтди-деди»лар бошланиб кетади-да, ҳафсаланг пир бўлади.

Олмос опа билан соатлаб суҳбатлашсанг ҳам зерикмайсан киши. Билим, завқ, ҳиссиёт беради бу суҳбатлар. Айниқса, уларнинг хотираларини хазина дегим келади. Ғафур Ғулом хонадонига кимлар ташриф буюрмаган, кимларнинг азиз қадамларидан гардлар қолмаган...

Олмосхоним улар ҳақида шундай гўзал ҳикоялар сўзлайдики, ҳикояси ҳикоя қаҳрамонини севдиради.

Мен Олмос опа билан суҳбатлардан сўнг умрини санъатга бағишлаган, аммо аёл сифатида ўчоқ бошига яқин бормаган машҳур Ҳалимахоним, ёғоч идишини дўкиллатиб нишолда тайёрлашни биладиган, умри афсонаю ҳақиқатларга туташ Садриддин Айний ва бошқа юртимизнинг машҳур кишиларини кўргандек бўламан. Олмос опа сафарларда ҳам жуда самимий, ҳар қандай давранинг кайфиятига мос гап топиб айта олади. Учрашувларда у кишининг юртимиз ҳаётини битта содиқ фуқаро, бир жонкуяр фарзанд сифатида кузатиб боришларини ҳис қиламан. Олмос опа юракдан гапиради, ўзини кўрсатиш учун эмас, ҳар бир гапи тингловчилар кўнглини қўзғатиши, уйғотиши учун гапиради. Олмосхоним ўзига хос адиба: ҳикояларида юмор билан лиризм қоришиқ. «Телба» каби ҳикояларини ўқисангиз, лабингизга табассум қалқиб, кўзингиз ёшланади. Чунки адиба воқеаларни тўқимайди, ҳаётдан олади. Шунинг учун қаҳрамонлари жонли, сохта эмас.

Мен узоқроқ кўрмасам, уларни соғинаман.

Аслида мураккаб бир дунёда сен соғинадиган, суҳбатига ошиқадиган, тозадил, сирларинг, фикрларингни ишониб айта оладиган бир шундай инсоннинг борлиги ҳам бахт. Унинг ёши нечалигидан қатъи назар, борлигини, кўнгли борлигини, одамларни яхши кўришини, шахсий манфаати учун бировга, дўстларига хиёнат қилмаслигини байрам қилса бўлади. Ҳа, бу ростдан байрам қилишга арзийдиган сабаблар. Мен бу мақолани шу байрам муносабати билан ёздим ва самимият нурлари таратган Олмосхонимни ўзбекнинг қўш шамчироғи — Ғафур Ғулом ҳазратлари ва уларнинг доим ёнларида турган, яхши-ёмонини бирга тортишган Муҳаррамхон аянинг шуъларига ўхшатгим келди.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Кўрсаткичлар юқори, мақсадлар юксак

Акциядорлик-тижорат "Ипотека банк"ининг умумий капитали 81,3 млрд. сўмга етиб, йил бошига нисбатан 36,3 фоизга, шу жумладан, устав капитали 41,0 млрд. сўмга етиб, айни пайтга қадар 58,7 фоизга кўпайди.

Мамлакатимизда банк тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ акциядорлик-тижорат "Ипотека банк" ипотека кредитлари тизимини ривожлантириб, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, уй-жой қурилиши ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кўмаклашиш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда кичик бизнес вакилларига юқори сифатли банк хизмати кўрсатиш борасида бир қатор қулайликларни амалга оширмоқда.

Банкнинг 39 та филиалида аҳолига хизмат кўрсатиш борасида барча шароитлар яратилган. Жорий йилнинг шу пайтига қадар 4 та янги мини-банк шохобчалари очилиб, уларнинг умумий сони 163 тага етказилди.

Бугунги кунда банкнинг мижозлар сони қарийб 200 мингга етди. Юридик шахслар — хўжалик юритувчи субъектлар сони 60 мингдан ошиб, йил боши (57,7 мингта) га нисбатан қарийб 3 мингтага ошди.

Таъкидлаш керак, банк томонидан халқимизнинг турмуш тарзини яхшилаш, аҳолининг муассасага бўлган ишончини мустаҳкамлаш учун ҳамюртларимизга турли уй жиҳозлари, оргтехника, мебель сотиб олиш, ўқиш ва даволаниш каби зарурий эҳтиёжлар учун истеъмол кредитлари бериш кенг йўлга қўйилган. Масалан, 2007 йил давомида 2099 та оилага 3,7 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, 2008 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, 598 та оила 1,4 млрд. сўмлик истеъмол кредитларидан фойдаланишмоқда.

Мижозларнинг валюта билан боғлиқ талабларини қондириш мақсадида 147 та валюта айирбошлаш шохобчаси ишлаб турибди.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керак, «Контакт», «Быстрая почта», «Близко», «Мигом» ва «Юнистрим» халқаро пул ўтказмалари тизимлари билан имзоланган шартномалар ўз самарасини бермоқда. Йил бошидан буён аҳолига бундай хизмат кўрсатадиган 140 та янги шохобча ташкил қилинди.

Банкларга юклатилган асосий вазифалардан бири — мижозларни ўз вақтида нақд пул билан таъминлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш чоралари бўйича қатор амалий ишлар қилинаяпти. Хусусан, Президентимизнинг «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонининг ижросини таъминлаш, бу борадаги саъй-ҳаракатларни тизимлаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

Аҳолига фармон моҳиятини тўлароқ етказиш, бўш пул маблағларини омонатларга жойлаштиришнинг ҳар томонлама фойдали жиҳатларини ташвиқот қилиш мақсадида, оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, газеталар ва журналлар) орқали чиқишлар уюштирилди, вилоятларда банк мутахассислари иштирокида семинарлар ташкил этилди. Шунингдек, аҳолига янада кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида 3 ойдан 1 йилгача бўлган қисқа муддатларга ҳамда 12-18 ойлик янги омонатлар турлари ишлаб чиқилиб, мижозларга таклиф қилинмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижаси ўлароқ, жами аҳоли омонатлари 66,1 млрд. сўмга етказилди. Бу йил бошига нисбатан 5,8 фоизга ёки 3,6 млрд. сўмга ошди деганидир. Бундан ташқари, нақд пул маблағларини банк оборотига кўпроқ жалб қилиш мақсадида айни пайтгача аҳолидан жами 121,5 млрд. сўмлик турли хил тўловлар қабул қилинди. Шундан 50,1 млрд. сўм коммунал тўловларни ташкил қилиб, бу ўз навбатида коммунал ташкилотларнинг дебиторлик қарздорликларини қисқартиришга амалий ёрдам бўлди.

Шу билан бирга, банк томонидан хўжалик юритувчи субъектларда банк хизматлари ҳажмини ўстириш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2008 йил 1 июнь ҳолатига банк кредит портфели 276 млрд. сўмни ташкил этди, бунда 1 йилдан ортиқ муддатга берилган инвестицион характерга эга кредитлар миқдори 177,9 млрд. сўм бўлиб, йил бошига нисбатан 31,3 млрд. сўм ёки 21,3 фоиз ўсди.

Банк томонидан пахта ва ғалла ҳосили учун «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисобкитоб жамғармаси»дан олинган имтиёзли маблағлар вилоятлардаги мутасадди ташкилотлар билан бирга ёқилғи мойлаш маҳсулотлари, ўғит олиш ва шу каби мақсадлар учун фермер ва деҳқон хўжаликларига ўз вақтида етказиб берилди. Шу орқали "Ипотека банк" ҳам республикамизда ғалла, пахта ҳосилини етиштиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бўйича, кам таъминланган 322 та оилага чорва моллари сотиб олиш учун 415,6 млн. сўмлик микрокредитлар ажратилди.

Шу жумладан, банк ўз маблағлари ҳисобидан 268 та оилага 353,3 млн. сўм, «Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси» маблағлари ҳисобидан 54 та кам таъминланган оилага 62,3 млн. сўм чорва моллари учун кредитлар ажратилганлиги ҳам ибратлидир.

Банк жамоасининг бундай юқори кўрсаткичлар билан қаноатланиб қолиш нияти йўқ, ўз олдига қўйган юксак режалар сари саъй-ҳаракатларни давом эттирмоқда.

Ислом СУЛТОНОВ ®

Кесатиқ

Хабар билан ҳисоботдан бошқа жанрни билмайдиган журналистнинг «садағаси кетсанг» арзийди.

Иброҳим НОРМАТОВ,
журналист



МУТОЛАА

Қантул тажаллиси

Икром Отамурод оламни кўз билан эмас, кўнгил билан кўради ва идрок этади. Шоир мисраларидаги ҳикмат, фалсафий ҳақиқат шуурга шуур қўшиб, дунёга бошқача нигоҳ билан қарашга ундайди. Бу нарса сўзлар тизими билан эмас, ҳолатларда, табиат манзаралари билан уйғунликда ўз ифодасини топган.

Айни ҳақиқатни англаш учун яқинда чоп этилган, шеър ва достонлардан иборат "Тағаззул" тўпламини кўздан кечириш кифоя. "Саболар хуш елиб" шеърини ўқиймиз:

Саболар хуш елиб, бошланади кун,
Саболар хуш елиб, бахш айлар сабот.
Мен сенинг изингда кетаяпман кун,
Мен сенинг изингда кетаяпман ҳаёт.

Лирик қаҳрамон ўз изини табиатга топширади. Бундай қилиши бежиз эмас. Табиат ўз қонуниятига эга, унга қатъий бўйсунади. Агар инсоннинг ҳаёти ҳам шу тарзда кечса, фаолияти фақат яхши аъмоллардан иборат бўларди. Шеърнинг замирида шу фикр ётади.

Ватан ҳақида кўп ёзилган. Айниқса, мустақилликдан кейин бу мавзудаги шеърлар миқдори янада ортди. Лекин уларнинг кўпчилигида ҳамма кўриб, ҳис қилиб турган воқелик қайд қилингани учун кишини ўзига ром этолмайди. Чунки уларда моҳият эмас, зоҳирийлик устун. Ватан билан шахс ажралмас уйғунликдир. Шахс қандай бўлса, Ватан ҳам шундай бўлади. Ўз навбатида шахснинг орзу ниятларининг ушалишида Ватаннинг роли катта. Маърифатли, ўз эътиқодига собит одам наздида Ватан ўзгармас.

Қуёш юз кўрсатар ҳар кун бошқача,
Куну тун ўзгарар: қисқа ё узун.
Ҳатто сукут босиб ётган тонггача,
Тусланар айланиб, эйланиб, тўзиб.
Вужуд ила жони абадий бир тан,
Бу дунёда фақат ўзгармас Ватан.

"Қуёш юз кўрсатар"

Тўпламдан достонлар ҳам ўрин олган. "Узоқлашаётган оғриқ" достони воқеалар асосига эмас, мулоҳаза, фикр ва мантиқ асосига қурилган. "Довуш" (назария) ва "Ўй" (амалиёт)да ҳаётнинг нобоп ўйинлари, инсоний фазилат ва иллатлар, фазилатларнинг яхши самараси ва иллатлар келтирган кулфатлар аниқ шахслар мисолида кўрсатилади. Чархнинг нотантилиги, адолатсизлигидан юраги зардобга тўлса-да, имонини йўқотмаганлар Эшонқул образида эъзозланса, келажак авлоднинг зеҳнини занглатадиган, бефаҳм қиладиган саводсиз муаллимнинг кирдикорлари Нуржон орқали инкишоф қилинади. "Довуш"-да ёзилади:

Нодонликдан қувват олади хато
Калтафаҳмликдан рўёдир — гуноҳ.
Савоб, саховатни унутган — жоҳил.
Элига, юртига бемеҳр — манқурт.
Касби, ҳунарига ихлоси суст — ғўр.

Бу ҳикматга амал қилмаганлар "Ўй"да гавдалантиради:

Минбарда — ҳақиқат! Келганда кези
Хоҳлаган маромда бера олгай тоб.
Паноҳ — улар учун Ҳақиқат сезим,
Улар учун забон ҳимоят — ниқоб!

Юртининг номидан от сурган шайтон,
Халққа шаъма қилиб айлайди бебурд:
Ори — совуқ урган яланғоч майдон,
Эътиқодин сўриб ётар шилликурт.

Мана шу тариқа икки тоифадаги одамлар қиёфаси, дунёнинг кажрафторлиги бутун кўриниши билан кўз ўнгингизда намоён бўлади. Пировардида, шоир муқаддимада қўйган масала моҳияти ойдинлашади. Инсон сўзини бировга бермай, қадрини йўқотмай, ҳар қандай ёғийга тик қарайман деса, бир-бирини англаши, эътиқодли, диёнатли бўлиши лозим. Агар инсон шунга эришса, қалбидаги оғриқ узоқлашади. Ана ўшандагина ҳаётда инсонийлик, адолат тантана қилади. Чунки кишининг онгида, дунёқарашида ўзгариш бўлмас экан, ҳаётда эврилиш бўлиши душвор.

Достонда шоирнинг кўнгил изҳори, дардининг тажаллиси ўз ифодасини топган. Бундай туйғу эса чинакам муҳаббатдан юзага келади.

Ҳакимжон КАРИМОВ,
филология фанлари доктори.

КЎЗГУ

Қўшиқ

Одатдагидек дам олиш кунларидан бири. Кўпчилик аёллар ҳафта давомида ишлаб, дам олиш кунлари дам оладилар. Кимлардир олисда яшаётган ота-онасини кўргани ёки қадрдон кишисиникига меҳмонга боради. Яна кимлардир концерт ёки саёҳатни ихтиёр этади. Менинг байрам арафасидаги дам олиш куним китоб жавонини тартибга солиш баҳонасида кўпдан буён ўқишга вақт тополмаётган китобларимни бир-бир "чўқилаб" ўқиб чиқишдан иборат бўлди. Китоб жавонининг энг пастки тортмаларидан жой олган, ўттиз-қирқ йиллик хотиралардан "сўзловчи" суратли альбомлар ҳам менинг назаримдан четда қолмади. Орада ювилган кирларга дазмол босаётган қизим ва ошхонада палов дамлаётган келинимнинг ишларидан ҳам бир-бир хабар олиб қўяман.

Шу куни ногоҳ радиодан таралаётган бир қўшиқ диққатимни тортди:

Қиз йўқ уйда саррин сабо эсмайди,
Қиз йўқ уйда жамбил-райҳон ўсмайди.
Ўғилларнинг ота билан иши йўқ,
Қиз отасин ҳар қадамда эслайди.
Кўзларига суртгай босган изингиз,
Қай ўғилдан камдир айтинг, қизингиз...

Ажабо! Бу қўшиқ мени шу қадар ўзига тортдики, беихтиёр радионинг олдидан кетолмай жон-дилим билан эшитдим. Қўшиқнинг ёқимли мусиқаси, хонанданинг ширали овози ва қўшиқ матнининг мазмуни киши қалбига райҳон ифоридек хуш ёқар, эшитган сари эшитгинг келарди. Бу қўшиқ кўнглим қаърида ётган маҳзун ўтмиш хотираларимни ҳам қўзғатиб юборди.

Қизнинг ҳам ўрни бўлак

Катта опамнинг 4 та ўғли бор. Опам ҳам менга ўхшаб гулга ҳавасманд. Уйининг боғчасида эрта баҳордан то кузгача гулу райҳонлар чаман бўлиб очилиб туради. Ўғиллари мени яхши кўришиб, ҳурматимни жойига қўйишади. Баланд бўйли тўрт нафар йигитларнинг хонадонда савлат тўкиб юришлари, оиланинг барча юмушларини бекаму-кўст уддасидан чиқишларига ҳам гап йўқ. Лекин мен учун бу хонадонда яна нимадир етишмаётгандек туюлаверади. Энди ўйлаб қарасам, опамнинг қизлари йўқлиги экан. Опам ўғилларини уйлантиргач, оилага оқила келинлар келди. Йиллар ўтиб бирин-кетин фарзандлар-набиралар туғилди. Айниқса, опам қиз набира кўрганларида шундай севиндики... Энди ҳовлининг бўйрадек жойига ўсма ҳам экиладиган бўлди. Келинлар ва қизалоқ набираларнинг шодон овозлари мен тушунмаётган кўнглимдаги бўшлиқни тўлдиргандай эди.

Қурбон ҳайити арафасида уйга бордим. Арафа куни кечқурун "арафалик" оши қўшниларга тарқатилгач, опамнинг келинлари ва набиралари билан қошимизга ўсма, қўлларимизга хино қўйдик. Жажжи қизалоқларнинг катталардан аввал қўлларини очишиб, хино қўйишга шошилишлари гўзал ҳолат эди. Шунда... шунда опамнинг кўзларида шу кунгача кўрмаган бир нурни кўрдим. Ёшлигимдан катталардан эшитиб келадиган "Ўғилнинг ҳам, қизнинг ҳам ўрни бўлак" деган гапнинг мағзини чаққандай бўлдим.

Мавлудахон СИДДИҚОВА

МАДАНИЯТ

КЕЧИНМА

Бу дунёси ўткинчидир...

Кеча ишхонамга телеграмма келибди. Онам шифохонада эканлар. Иш, ижара ҳаққи деб онамни кўрмаганимга ҳам тўрт ой бўлибди. Оқибатсизлигимдан уялиб кетдим. Шу пайт тушларимда онам шамол бўлиб, «Қизим, бегона шаҳарларда тентираб юрма. Ортингга қайт. Овозингни соғиндим жуда...» — деган жаврашлари қўнғирокдек қулоғимга чалинди. Тонг отиши билан ҳамма нарсага қўл силтаб, онамни кўргани дарҳол йўлга отландим. Поездга чиқишим билан боласини совуқ шамолдан асраб бағрига босиб кетаётган аёлнинг қувончи осмон қадар бўлса, бу ёнимда қартайган онасига нонни чайнаб едираётган ўғилнинг бахти дунёга сиғмасди. Қалбимни алланечук хижолатлик туйғуси эгаллади. Хўш, мен онам учун нима қилдим? Шу ёшга кириб, ота-онамдек ҳаёт ташвишларидан эзилган кимсаларга ёрдам бера олдимми? Жавобсиз саволлар гирдобида қалбим қийналарди. Атайлаб онамга деб сотиб олган гарди рўмолни юзимга босдим. Онам билан кечган хотиралар бир-бир кўз ўнгимдан ўтди.

Айтишларича, мен далада туғилган эканман. Эсимни танибманки, онам билан уйимиздан олти чақирим наридаги юлғунзор оралаб ўтган зовур (ҳозирги Қарши канали) бўйлаб далага борардик. Онам туманда номи чиққан теримчилардан бўлган. Бир гапириб ўн куладиган, шаддодгина бўлсалар-да, қишник-қиш, ёзни-ёз демай ишларди. Отам билан баб-баробар шудгор тортиб, пахтага сув тутарди, кузда ғўза йиғарди. Куёш тиғида қоврилиб, ердан бошини кўтармай пахта тераётган онамга дастёргина сув ташувчи эдим. Бир дам ишдан қўли бўшаб қолса, онам офтобда қорайган қўллари билан сочимни силаб "катта бўлсанг ким бўласан?" деб сўрардилар.

— Сизнинг оғирингизни енгил қиладиган катта қиз бўламан. Ҳозир эса ёрдам беришга кучим етмайдида, — дердим астойдил онамга раҳмим келиб. — Сен ўқи, қизим. Ўқисанг, менга ўхшаган колхозчиларнинг нечтаси сенга ҳавас қилади. Менга ўхшаб умринг тупроқ чангаллаб ўтмасин, — дея аччиқ хўрсиниб қўярдилар онам. Лекин ҳаёт қўйқаси бўғзига келса-да, ҳеч қачон ҳаётдан, яшашдан нолимаган. Даладан отамнинг от аравасида уйга қайтарканмиз, яйдоқ кенгликлараро онам бўғзини куйдирган дардларини баралла овоз билан қўшиққа соларди.

... Бу дунёси ўткинчидир,
Бу йўллар мангу фақат...

Мен ҳам хиргойига қўшилардим.

Онам упа-супа қилмаса ҳам чиройли аёл эди. Чиройли ўйнарди. Ҳар йили туманда пахта режаси тўлди дегунча, шийпонда байрам уюштирилар, байрамга неча чақирим йўл босиб, қўшни қишлоқдагилар ҳам келишарди. Онам ҳеч кимдан тап тортмай, чунонам ўйнардики, атрофдаги

Даладан отамнинг от аравасида уйга қайтарканмиз, яйдоқ кенгликлар аро онам бўғзини куйдирган дардларини баралла овоз билан қўшиққа соларди.
... Бу дунёси ўткинчидир, Бу йўллар мангу фақат...

эркакларнинг онамга суқланиб қарашидан ғашим келиб, "ўйнаманг" дея кўк бурама қўйлакларидан тортардим. Отам буни кўриб роса кулардилар. Нима бўлса колхоз бўлсин, нима бўлса пахта плани тўлсин, деб уйимизни сотганмиз. Кейин шийпонга кўчиб ўтдик. Онам чироқ ёғдусида менга китоблар ўқиб берарди. Ота-онам ҳалол инсонлар эди. Колхознинг чақасига ҳам хиёнат қилмаган. Қип-қизил даштни обод қиламан деб олов ёшликлари ўтиб кетди. Экин-тикин, бола-бақра ташвиши ота-онамни қаритиб қўйди. Қирқ ёшга чиқмай туриб, онамнинг белоёғи оғриб қолди. Онамни даволатишга қурбимиз етмай қолганди, отам кўкрагига уриб,

— Колхоз деб яшадик. Умримиз кечди. Зора, энди бунинг роҳатини кўрсак. Колхозга бориб дори-дармон учун раисдан пул сўрайман, — деб катта умид билан уйдан шошганларича чиқиб кетди. Аммо колхоз раиси отамни совуққина кутиб олибди.

— Бизда қайта қуриш ишлари кетаяпти. Ҳозир ҳеч кимга бир чақа ҳам беролмаймиз. Иложи бўлса, шийпонни бўшатиб қўйсанглар, — дебди раис. Бу гап отамга оғир ботиб, уйга келгач, колхоз берган барча медалларни олиб чиқиб, кўчага улоқтирди. Шу-шу медалларни қўлига ҳам олмади. Колхоз раиси биздан шийпонни тортиб олгач, кўчада қолганмиз. Ўшанда онам: – Қўйинг, шунга шунчами. Бизни кунимиз колхозга қолибдими? Янги раис сайланган бўлса. Меҳнатимизни қайдан билсин. Ўғлимиз чўлдан қайтгач, битта қўйни сотса, бир дунё дори-дармон беради-ку,- дея юпатганди. Акам қўйлари чўлда жалада қолиб, нобуд бўлганлиги боис уйга йўламасди. Шунда мен онамнинг кифтига кириб,

— Мана, кўрасиз, келажакда ўқиб, пул топиб ўзим сизни энг зўр докторларга кўрсатаман, — дея кўнглини кўтаргандим. Ўшанда онамнинг ҳаётда биринчи бор аччиқ йиғлаганини кўрганман...

Шу ўй-хаёллар гирбодига поезд манзилга етди. Тонг қоронғусига қарамай, тўғри онам ётган шифохонага шошилдим. Ҳали дарвозалар берк. Кутдим. Бир оздан сўнг қоровул эшикни очиб, шифокор билан учраштирди. Шифокорга: — Онам омонми... бутунлай тузаладими... дея кетма-кет саволлар берардим. У эса:

— Онангизнинг қон босими ошиб кетибди. Уйқусида алаҳсираб, фақат сизнинг исмингизни айтиб чақирди. Ҳайрият... онангизни асраб қолдик. Бу ёғига эҳтиёт бўлинглар, — дея онажоним ётган палатага олиб кирди.

— Онажон, бизни кечиринг, сизни жуда қийнаб қўйдик, — дея бағрига отилдим. Онам қалтироқ қўллари билан кўз ёшимни артар экан:

— Қизим, қандай яшагинг келса, шундай яша. Фақат ғамли шеърлар ёзма. Энди бизни ҳеч ким далага чиқ деб мажбурламайди, — дея яна ўзини соғлигини эмас, мени ўйлардилар. Менинг эса онамни соғ-омон кўрганимдан бошим кўкка етди...

ДУНЁЗОДА

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг!

Бир институт домласи пенсияга чиққач, йиғиб қўйган жамғармасини кўтариб, қариялар уйига олиб борди.

— Бу пулларни мен қишки, ёзги сессияларда талабалардан ундирган эдим. Уларни фисобилло сизларга топширмоқчиман. Отахонлару онахонларга сарфлангизлар. Мен энди бу институтда ишламаяпман.

Қариялар уйининг директори домланинг гапини эшитиб хушидан кетиб қолай деди.

Саъдулла СИЁЕВ

КУЛКУЛ АФАНДИНИНГ ҒАЗАЛСИМОНЛАРИ

Ғирт зўр ғазал

Зуҳрани "пакка" деб чопсак,
менга Тоҳир етолмайди,
Бибини деб касалландим, биби ҳатто йўталмайди.
Қанча севсам шунча ичдим, яна севдим, яна ичдим,
Бундан ортиқроқ севишни арганизм кўтармайди.
Мажақ-маймоқ хаёлдан ғум бўлиб бош ҳар куйга тушдим,
Йигитни қиз бузар, шайтон унча йўлдан чиқармайди.
Нуқуб кўксимга қарғанди чаёндан ёр бўлиб баттар,
Чаён ўз ошиғин ейди, кўксидан лек итармайди.
Севиб тўхтамга келдимки, зоти сал суст қизни суйсанг,
Пастлигинг ҳеч озармайди, иззатинг ҳам кўпармайди.
Аё Кулкул, бориб назминг ўқи оддий одамларга,
Кунинг қолса "даҳо"ларга битта шеъринг кўкармайди.

Ҳайвонпиносларча зўр ғазал

Бўрини қонхўр деманглар, ўлмасига қон керак,
Катта тошнинг остида минг майда тош - қурбон керак.
Юрмангиз беҳуда қарғаб, бўрилик осон эмас,
Бўри бўлмоққа темир тиш ҳам пўлатдан жон керак.
Шерхону йўлбарслар ичра бўрилик қилмоқ оғир,
Шу зайл кун кўрса одам, юзталаб иштон керак.
Сақлагайдур тоза иймон ерда одам наслини,
Бўрича даврон сурарга бўрича виждон керак.
Эсла одамлигинг, Кулкул, гоҳ кўриб ҳайвон зотин,
Ўз-ўзин танирга инсон гоҳида ҳайвон керак.

Чўпчакнамо зўр ғазал

Дугонангдир бўйнига дур, қулоққа тилла осғонлар,
Улфатимдир куя тушғон қулоқчин бошда тўзғонлар.
Сенга сирдош фан-ҳунардан бахт қидирғон орзумандлар,
Менга йўлдош текин ишрат топарга режа тузғонлар.
Ялаб болу мурабболар ёнингда бир гала тўпоқ,
Қуруқ вино ичиб сўлғин ётар теграмда озғонлар.
Китобхонлик бир баҳона кезарсиз уйма-уй меҳмон,
Бетаклиф тўйма-тўй юрсак биз — уйдин кўнгил узғонлар.
Бўлиб бир кўча ўтдингиз чирманиб шоҳи-атласга,
Тикилдик жим мазгисин ис, кўйлайин бурға босғонлар.
Марксий бир хулоса шу бу ҳолатга, ай Кулкул,
Биз қаровсиз эзилғонлар, гўзаллар — бизни эзғонлар.

Дод-войли зўр ғазал

Қочди дўндиқ мен фақирни ортидан ҳак-ҳаклатиб,
Кўзларим ёшини сузма сингари чак-чаклатиб.
Аҳли эркак жонига қасдлар қўмондони бўлиб,
Тортди устимга балолар аскарин лак-лаклатиб.
Мен ўкинч даштида бўзлаб мисли ғижжак йиғласам,
Боғда у айшин суродир дойрасин бак-баклатиб.
Барчиной Алпомишин асраса, ул раҳми йўқ —
Эзғилаб ўтди жигарни тўфлисин так-таклатиб.
Қайдадир ул майсақошим, лаби гўё шўрданак,
Мақтайин киприкларини битталаб як-яклатиб.
Халқаро мавзу қолиб, борсам-да ишқий шеър тўқиб,
Ҳайдади Кулкулмаматни итларин вак-ваклатиб.

Кутилмаган зўр ғазал

Яхшига эш бўлиш шарти — яхшилардан суринмаслик,
Ёмондан асраниш шарти — ёмонларга кўринмаслик.
Кучук зўр чиқмоғин билса бўрилар ёприлиб ғажир,
Ўлиб довруғ солиш шарти — тирикликда билинмаслик.
Бошингга гоҳ бало келғай ихтирою ташаббусдан,
Хатосиз иш қилиш шарти — иш қилишга уринмаслик.
Болари бойимас — ҳотам, жим ташиб, жим ютар сичқон,
Ўзингга тўқ яшаш шарти — ўзгаларга илинмаслик.
Кичик чумчуққа дап қилмай магар турна топар иззат,
Бўрилик обрўйин шарти — қуёнга авф қилинмаслик.
Ҳаётга зоғ боқиб Кулкул ҳар қадам ғам-алам тортдинг,
Тузук шоир бўлиш шарти — дард чекишдан эринмаслик.

Нашрга тайёрловчи: Анвар ОБИДЖОН.

СПОРТ

"ҚУРУВЧИ"НИНГ ЯНГИ ХАРИДИ

"Қурувчи" ПФКнинг таркибига чилилик футболчи Хосе Луис ВИЛЬЯНУЭВА Ахумада келиб қўшилади, деб хабар тарқатмоқда клубнинг расмий сайти. Шу ўринда мазкур ўйинчи ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак, у 1981 йил 5 ноябрда Чили пойтахти Сантьяго шаҳрида туғилган. Фаолияти давомида Чилининг "Палестино","Темуко","Ояльe",

"Университад Католика", "Кобрелоа" жамоаларида, шунингдек, Аргентинанинг "Расинг" ва Мексиканинг "Морелиа" футбол клубларида тўп сурган. Қолаверса, Хосе Луис ВИЛЬЯНУЭВА Ахумада Бразилия жамоалари таркибида ҳам ўйнаган. Эслатиб ўтамиз, чилилик ўйинчи 10 июлда ўтказилиши режалаштирилган "Пахтакор" ва "Қурувчи" клублари ўртасидаги ўйинда майдонга тушиши мумкин.

РАҚИБИМИЗ ТАДОРИГИ ЖИДДИЙ

10 сентябрь куни ЖЧ-2010га 4-саралаш босқичида футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоасига қарши майдонга тушадиган Австралия терма жамоаси Жанубий Африка Республикаси ва Голландия терма жамоалари билан ўртоқлик учрашуви ўтказишини маълум қилди. Пим Вербек шогирдлари иштирокидаги дастлабки ўйин 19 августида Лондон шаҳрида бўлиб ўтса, иккинчи ўйин 6 сентябрь куни Эйндховенда бўлиб ўтади.

– Биз Тошкентга тўлиқ тайёргалик билан етиб боришимиз керак. Умид қиламанки, Вербек уюштираётган спарринг жамоа учун фойдали бўлади. Олдимизга қўйилган вазифани аниқ бажариб жаҳон чемпионатининг финал босқичига чиқамиз, – дейди Австралия футбол федерацияси бош директори Бен Бакли ОАВ ходимларига берган интервьюсида.

ОЛЕГ МАСКАЕВ ЯНА РИНГГА ҚАЙТДИ

Россия оммавий ахборот воситаларида ўта оғир вазнда жаҳоннинг собиқ чемпиони ҳисобланган Олег Маскаевнинг шу йилнинг октябрь ойида яна ринггa қайтиши ҳақида хабарлар тарқатилмоқда. Маълумки, Олег Маскаев шу йил 8 март куни нигериялик Сэмуэл Питер билан бўлиб ўтган жангда мағлубиятга учраб, WBC йўналишининг камаридан маҳрум бўлганди. Маскаевнинг бўлажак рақиби эса 27 ёшли британиялик боксчи Дэвид Хэй бўлиши кутилмоқда. Ўтказилиши режалаштирилаётган мазкур жанг Дэвид Хэй учун ўта оғир вазнда дебют учрашувидир. Шу пайтгача ушбу спортчи WBC, WBA ва WBO йўналишларида биринчи оғир вазнда жанглар ўтказган.

Олег Маскаев ва Дэвид Хей ўртасидаги жанг шу йилнинг 18 октябрида Лондон шаҳрида бўлиб ўтиши мумкин.

СНЕЙДЕРНИНГ ГОЛИ ЭНГ ЧИРОЙЛИ

Испаниянинг «Реал» клуби ва Голландия терма жамоаси ярим ҳимояси Уэсли Снейдернинг «Евро-2008» футбол турнирида Франция терма жамоаси дарвозасига киритган голи мусобақанинг энг чиройли голи деб топилди. Сўров УЕФАнинг расмий сайтида олиб борилган. Сўровномада иштирок этган кишиларнинг 40 фоизи Снейдернинг голига овоз беришган. Иккинчи ўринни эса туркиялик футболчи Нихатнинг Чехия дарвозасига киритган 3-голи деб топилди. Россиялик Андрей Аршавиннинг Швеция дарвозасига киритган голи учинчи ўринни олган.

ЮЛИЯ ПЕЧЁНКИНА ПЕКИНГА БОРМАСЛИГИ МУМКИН

Тўрт юз метрга тўсиқлар оша югуриш бўйича жаҳоннинг собиқ чемпиони ва спортнинг шу тури рекордчиси россиялик Юлия Печёнкина юрак касалли туфайли Пекинда бўлиб ўтадиган Олимпиадада иштирок этмаслиги мумкин. Спортчининг мураббийи ва Россия терма жамоасининг бош мураббийи Валентин Маслаковнинг айтишича, Юлия Печёнкинанинг саломатлиги апрель ойининг охирларида ёмонлашган бўлса-да, спортчи Португалияда ўтказилган ўқув-машғулот йиғинларида яхши иштирок этган. Лекин у уйига қайтиб келгач яна соғлиги ёмонлашган.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

ТАФАККУР

Тўғриликдан яхши дўст йўқ

Ақл билан ҳаё энг яқин ва ажралмас дўст.

* * *

Қуйидаги уч нарса бўлмаса, ҳеч вақт улуғ мавқега мушарраф бўлиш мумкин эмас: бири машаққат чекиш, иккинчиси мол-давлат сарф этиш, учинчиси эътиқодга эга бўлишдир.

* * *

Яхши ишлар илмга ярашадиган безакдир.

* * *

Дунёда тўғриликдан яхши дўст бўлмайди.

* * *

Фариблик ва ёлғизликдан ақлли одам қўрқмайди.

* * *

Донишманд одамлар истасалар ёлғонни чинга, чинни эса ёлғонга айлантира оладилар.

* * *

Кўп гапириш ақлнинг озлигидан, ёлғон сўзлаш ироданинг заифлигидан, овознинг баландлиги ичида ҳеч нарса йўқлигидан далолат.

* * *

Инсон икки нав: ҳушёр ва тадбирсиз бўлади.

* * *

Фикри бузуқ одам ҳеч қачон ростгўй бўлмайди.

* * *

Тўшаги тикандан, ёстиғи илондан бўлган одамнинг уйқуси ширин бўлмайди.

* * *

Ақлли одамлар ишончга хиёнат этмайдилар.

* * *

Эҳтиётқорлик жасурликнинг фазилатидир.

"Калила ва Димна" китобидан.

РАССОМ ХАНДАСИ

Шавкат МУЗАФФАР чизган сурат.

Тошкент шаҳридаги "DAVR LTD" масъулияти чекланган жамиятининг думалоқ муҳри ва тўртбурчак тамғаси йўқолганлиги туфайли бекор қилинади.

HURRIYAT
O'zingni anglа!
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-23-13, 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-56-38 **Тел-факс:** 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Бухорода — 8-365-715-30-57
Самарқандда — 8-366-233-62-12
Сурхондарёда — 8-376-335-10-22
Тошкентда — 8-370-76-21-934
Фарғонада — 8-373-225-80-58
Хоразмда — 8-362-226-20-80
Қашқадарёда — 8-375-221-78-50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.20

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-654 Адади: 6010 **1234 678**